

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**
йўналиши

**“ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИ
ТЕХНОЛОГИЯСИ ФАНЛАРИНИ
ЎҚИТИШДА МУЛЬТИМЕДИА
ТИЗИМЛАРИ ВА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ
МЕТОДЛАРИ”**
модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2016

**Мазкур ўқув-услубий мажмуда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг
2016 йил __-__ даги __-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва
дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчиilar:

Хабибуллаев Р.А. – техника фанлари номзоди, ТКТИ доценти.

Канглиев Ш.Т. – техника фанлари номзоди, доцент, ТКТИ "Касб
таълими" кафедраси мудири

Чет эл эксперtlари:

Jose Angel Irabien Gulias– Профессор, доктор, Department of Chemical
and Biomolecular Engineering, Univercidad de
Cantabda, Santander (Spain)

Inmaculada Ortiz Uribe– Профессор, доктор, Department of Chemical
and Biomolecular Engineering, Univercidad de
Cantabda, Santander (Spain)

**Ўқув-услубий мажмуда Тошкент кимё-технология институти
Кенгашининг 2016 йил __-__ даги __-сонли қарори билан нашрга
тавсия қилинган.**

FOREIGN EXPERT CONCLUSION

for educational-methodological complex prepared for "Food Technology" retraining and professional development courses

Module #1: "Emerging innovative technologies in food production"

Module #2: Food chemistry

Module #3: "Food quality and safety"

Module #4: "Food microbiology and biotechnology"

This educational-methodological complex was developed in accordance with defined requirements. It consists of theoretical and practical materials, topics for self-study, case study, glossary and the list of literature references.

The discipline of "Food chemistry" is the study of the underlying properties of foods and food ingredients. It seeks to understand how chemical systems behave in order to better control them to improve the nutritional value, safety, and culinary presentation of food.

Food production systems often consists of a series of unit operations each of which is intended to promote certain quality traits of the raw materials that is being processed. Food innovation and new innovative and emerging production technologies are crucial to maintain a competitive advantage for the food industry internationally as well as for the food industry in the republic of Uzbekistan.

Organization of laboratories conducts experiments and analysis of food, the basic requirements for their activities. The main processes carried out in test laboratories: sample handling, storage and labeling.

On the discipline of "Food quality and safety" is given metrology in standardization, checking and approbation of means of measurement, legal metrological calibration and conformity, legislative bases of metrology, risk analysis: analysis and monitoring of critical control points based on the HACCP principles.

The discipline of "Food microbiology and biotechnology" is concerned with the properties, the production processes, and the manifold applications of enzymes and microorganisms in the food industry, its supplying industries and for bioanalytical purposes. It is covered also chemical composition of microorganisms, substances and food exchange, respiration of microorganisms and their ability to live and survive under aerobic, anaerobic and facultative conditions.

On the last model is given biochemical processes caused by microorganisms, anaerobic processes, alcoholic fermentation and lactic acid fermentation, aerobic processes, oxidizing fermentation, acetic and citric acid fermentation.

These topics were formed by modern textbooks and leading international publications. The topics of self-education are formed on the basis of actual trends in this scientific direction and the themes stipulated by the syllabus:

The case-study topics related to application of theoretical results were included. Glossary includes main terms with comments in both Uzbek and English languages.

Summarizing, the training courses in food technology for academic staff in Uzbekistan can be applied for the retraining and professional development in Uzbekistan and should bring valuable impact on professional development of human resources in Uzbekistan.

Kind regards,

Prof. Dr. Jose Angel Irabien Gullas
e-mail.: angel.irabien@unican.es

Prof. Dr. Inmaculada Ortiz Uribe



Department of Chemical and Biomolecular Engineering, Universidad de Cantabria, Santander (Spain)

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	16
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР.....	63
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	74
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	79
VII. ГЛОССАРИЙ.....	81
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	84

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ахборот технологияларини кенг жорий этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Президент И.А. Каримов 2016 йил 16 январда Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъruzасида компьютер ва телекоммуникация технологиялари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар асосида кенг турдаги интерфаол хизматлар кўрсатиш соҳасининг аҳамияти тобора ортиб бораётгани ҳақида таъкидлаб ўтдилар.

Маъruzада, бугунги кунда жаҳон миқёсида яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 5,5 фоизи ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тўғри келаётгани, нуфузли халқаро экспертларнинг фикрига қўра, 2020 йилда бу кўрсаткич 9 фоиздан ошиши тахмин қилинаётганлиги айтиб ўтилди. Масалан, Корея Республикасининг ялпи ички маҳсулотида ахборот-коммуникация технологияларининггулуши 11,8 фоиздан зиёдни, Швецияда 7 фоизни, АҚШ да эса 6,8 фоизни ташкил этиши таъкидланди.

Сўнгги йилларда иқтисодиётимизнинг мазкур тармоғи жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганига қарамасдан, ҳозирги вақтда биз бу борада дастлабки босқичда турганимиз, яъни, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг атиги 2 фоизга яқини ахборот-коммуникация технологиялари хиссасига тўғри келаётгани айтиб ўтилди.

Шу сабабли, ҳозирда Республикаизда иқтисодиёт тармоқларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг тадбиқ этиш, «Электрон хукумат» тизими фаолиятини янада ривожлантириш жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Хусусан, таълим тизимида ҳам барча олий таълим муассасаларида Moodle тизимининг жорий этилиши, иш юритиши ҳужжатларининг электрон шаклга ўтказилаётгани яқин йиллар ичida таълим тизимида кескин ўзгаришлар бўлишидан далолат беради. Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказларида "Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш" модулининг ўқитилиши эса профессор-ўқитувчиларнинг бу технологияларни олдиндан тез ўзлаштириб олишларига замин яратади.

Мазкур дастурнинг мақсади олий таълим муассасалари педагог кадрларининг маҳсус фанларни ўқитишида мультимедиа тизимлари ва масофавий таълимни қўллаш бўйича касбий тайёргарлик даражасини янада такомиллаштиришdir.

Дастур мазмунидамультимедиа материалларини ишлаб чиқиш, масофали ўқитишини ташкил этиш ва Moodle тизимида ўқув контентларини шакллантириш бўйича зарур билимлар акс эттирилган.

Ушбу дастурда мультимедиа маҳсулотлари турлари ва уларни яратиш дастурлари, электрон таълим ресурсларини, контентларини шакллантириш ва электрон ўқув тизимини бошқариш дастурлари ва сайтлари, масофавий ўқитиш методикаси, Moodle тизимининг хусусиятлари баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Озиқ-овқат технологияси фанларини ўқитишида мультимедиа тизимлари ва масофавий таълим методлари” модулининг мақсади:

- педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини озиқ-овқат технологияси фанларини ўқитишдаги мультимедиа маҳсулотлари вауларнинг дастурний воситалари;
- масофавий таълим ва унинг моделлари;
- LMS тизимлари ва уларда таълим олиш масалалари ҳақидаги билимларини такомиллаштиришга қаратилган.

“Озиқ-овқат технологияси фанларини ўқитишида мультимедиа тизимлари ва масофавий таълим методлари” модулининг вазифалари:

- мультимедиа маҳсулотлари ва дастурний таъминотини;
- электрон таълим ресурслари ва уларнинг турларини;
- масофавий ўқитиши ва уни ташкил қилиш усулларини;
- масофавий ўқитиши тизимида қўлланиладиган электрон ресурсларни;
- оммавий онлайн очик курсларини, LMS тизимларини ўрганишdir.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Озиқ-овқат технологияси фанларини ўқитишида мультимедиа тизимлари ва масофавий таълим методлари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- мультимедиа материаллари ва уларнинг дастурний таъминотини, мультимедиа маҳсулотларини ишлаб чиқиш тартибини, масофавий ўқитиши усулларини**билиши**;
- мультимедиа сценарийсини тузиш ва унинг асосида мультимедиа материалларини ишлаб чиқиш, мультимедианинг дастурний воситаларидан фойдаланиш, масофавий таълимни ташкил этиш, Moodle тизими учун ўкув контентларини шакллантириш, интерфаол тестлар тузиш кабик**ўникмаларга эга бўлиши**;
- интернет тармоғида мавжуд электрон ахборот ресурсларидан ва масофавий таълим тизимлари имкониятларидан фойдаланиш, оммавий очик онлайн курсларида ўқиб билим олиш **малакаларини эгаллаши**;
- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ташкил этишида мультимедиа воситаларидан самарали фойдаланиш, улар орқали касбий маҳоратини ва иқтидорини намоён қилиш**компетенцияларига эга бўлиши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Озиқ-овқат технологияси фанларини ўқитишида мультимедиа тизимлари ва масофавий таълим методлари” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитишида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимотлар ва электрон-дидактик воситалардан фойдаланиш;

-амалий машғулотларда компьютер техникаси, Интернет тизими, график органайзерлар, интерфаол үқитиши усулларидан фойдаланиш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Мазкур модуль ўқув режадаги “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик”, “[Озиқ-овқат технологияси фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар](#)”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Фан ўқитувчиларининг ўқув жараёнини замонавий услубда самарали ташкил этишлари учун “[Озиқ-овқат технологияси](#) фанларини ўқитишида мультимедиа тизимлари ва масофавий таълим методлари” модули катта аҳамиятга эга.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклamasи, соат					Сана	Имзо		
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклamasи		Мустакил таълим					
			Жами	Назарий	Амалий машғулот					
1.	Мультимедиа тизимлари	8	6	2	4	2				
2.	Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари	6	4	2	2	2				
Жами:		14	10	4	6	4				

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-маъруза:Мультимедиа материаллари ишлаб чиқиш.

Мультимедианинг дастурий таъминоти. **Озиқ-овқат технологиясийўналиши** фанлари бўйича мультимедиа сценарийларини ишлаб чиқиши. Анимациялар, виртуал стендлар ва интерфаол тестлар яратиш.

2-маъзуза:Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари.

Масофали ўқитишининг назарий асослари. LMS тизимлари таҳлили. Соҳага оид оммавий онлайн очиқ курслар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:Мультимедиа дастурларининг анимацион имкониятларини ўрганиш.

PowerPoint дастури iSpring иловасининг анимацион имкониятларини ўрганиш.MS Excel дастурида ўқув тренажёрлари яратиш имкониятларини ўрганиш.Macromedia Flash (Adobe Flash) дастурининг анимацион ва ўқув тренажёрлари яратиш имкониятларини ўрганиш.

2-амалий машғулот:Озиқ-овқат технологиясийўналиши** фанлари бўйича анимациялар ва виртуал стендлар яратиш.**

Озиқ-овқат технологиясийўналиши фанлари бўйича мультимедиа сценарийларини ишлаб чиқиши.Мультимедиа сценарийлари асосида анимациялар ва виртуал стендлар яратиш.

3-амалий машғулот: Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари.

Озиқ-овқат технологиясийўналиши фанлари бўйича Moodle тизими учун ўқув контентларини шакллантириши. **Озиқ-овқат технологияси** соҳасига оид оммавий онлайн очиқ курслар билан танишиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиши шаклларидан фойдаланилади:

- маърузамашғулотларида маълумотларниетказиши учун академик маъзуза, фронтал сўров, SWOT таҳлил, ФСМУ, Инсерт, тушунчалар таҳлили, Венн диаграммаси методларидан фойдаланилади;
- амалий машғулотларда ақлий қизиқиши ривожлантириши ва назарий билимларни мустаҳкамлашва назорат қилиши учун SWOT таҳлил, кейс-стади, Ассесмент, методларидан фойдаланилади;
- мустақил ишларда таклиф бериш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш, лойихалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш қобилиятини ривожлантириши учун амалий топшириклардан фойдаланилади.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Модуль бўйича таълим натижалари ассесмент усулида баҳоланади. Ассесмент саволи ўз ичига 4 та баҳолаш турини қамраб олади. Қуйида

уларнинг ҳар бири учун баҳолаш мезонлари келтирилган.


№	Баҳолаш турлари	Мак-сималь балл	Изоҳ
1	Кейс-стади	1	Кейс муаммосини тўғри тушуниш, таҳлил қилиш, муҳокамада фаол иштирок этиш, тўғри ечимга келиш даражаси баҳоланади.
2.	Тушунча таҳлили	0,5	Тушунчаларни қисқа, лўнда ва аниқ ифодалавши, тўғри изоҳ бериши, оғзаки ва ёзма нутқининг равонлиги, илмий баён қилиш усули, таянч атамалардан фойдаланиш даражаси баҳоланади.
3.	Киёсий таҳлил	0,5	Материални таҳлилқилиши, янги маълумотни синтез қилиши, тўғри қарор қабул қилиши, жавобни график органайзерлар орқали ифодалавши, ўхшаш ва фарқли, ижобий ва салбий жиҳатларини кўрсатиб берганиши баҳоланади.
4.	Амалий топшириқ	0,5	Топшириқларни тўғри ечиши, жиҳозлардан фойдалана олиши, формулаларни тўғри қўллаш малакалари баҳоланади.
	Жами:	2,5*	

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро комиссиянинг 2015 йил 3-ноябрдаги 2-сон мажлиси баёни иловасига мувофиқассмент учун "3. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш" модулига 2,5 балл ажратилади.

II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларини топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга қаратилган.



Намуна: MacromediaFlash MX дастури учун SWOT таҳлилини амалга оширинг.

S	Кучли томонлари	<ul style="list-style-type: none">кадр анимациялари билан ишлаш, графиканитаҳирлаш, скриптлардан фойдаланиш, маҳсулотни турли форматларда чоп қилиш мумкин;дастурдан эркин фойдаланиш ва тарқатиш мумкин;Интернетдаги флешерлар мактаби намуналаридан ўрганиш мумкин;мутахассислик фанлари бўйича оригинал ва юксак савиядаги мультимедиа материалларини яратиш мумкин.
W	Кучсиз томонлари	<ul style="list-style-type: none">мультимедиа маҳсулоти билан ишлаганда натижаларни сақлаб бўлмайди;дастурда ишлаш мураккаб, профессионал маслаҳатчиларетишмайди;мультимедиа учун пухта сценарий тузиш зарур;html5 (мобиъ алоқа воситалари учун) ва шу каби замонавий форматларда ишлаб бўлмайди.
O	Имкониятлари (иҷқи)	<ul style="list-style-type: none">натижаларни сақлашда оператив хотира имкониятларидан ва кодли-матнли сақлаш ва киритиш усулидан фойдаланиш мумкин;маҳсулотни мобиъ алоқа воситаларига мослаҳтириш учун Adobe Flash га конвертациялаб ишлатиш мумкин.
T	Тўсиқлар (ташқи)	<ul style="list-style-type: none">дастур мураккаб бўлғанлиги сабабли оммавий тадбик қилиб бўлмайди (масалан, PowerPoint каби);истеъмолчилар бозори шаклланмаган;бошқа дастурларга конвертациялаш қийин.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

Кейс. MS Excel дастурида виртуал стенд ишлаб чиқиши жараёнида ячейкадаги формулада хатолик рўй берди. Яъни дастур тўлиқ ишламади.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириклар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг, зарур билимлар рўйхатини тузинг (индивидуал ва кичик групуда).
- Дастрордаги хатоликни йўқотиш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликда ишлаш).
- Хатоликни тузатинг ва дастрорни ишга туширинг.
- Бажарилган ишларни тақдимот қилинг.

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникумаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид яқуний холоса ёки гоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки групий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна: Қуйидаги фикрни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

ФИКР: “MS Excel дастурида амалий машғулотлар учун виртуал стендлар ишлаб чиқиши мумкин”.

САБАБ: “MS Excel дастурида амалий машғулот виртуал стендини ишлаб чиқишида ҳисоб ишларини бажаришда қўллаш мумкин бўлган **турли функциялар мавжуд**”.

МИСОЛ: “MS Excel дастурида шартли форматлашфункциясидан фойдаланиб **хисоблаш натижаларини шартли форматлаш мумкин**”.

УМУМЛАШТИРИШ: “MS Excel дастурида амалий машғулотлар учун виртуал стенд ишлаб чиқиша **шартли форматлаш функциясидан фойдаланиш мумкин**”.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнилмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (кейс-стади, амалий топшириқлар, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб алоҳида баллар билан баҳоланиши мумкин.



1. Кейс-стади

MS Excel дастурида виртуал стенд ишлаб чиқиш жараёнида ячейкадаги формулада хатолик рўй берди. Яъни дастур тўлиқ ишламади. Муаммони ҳал қилинг.



Қиёсий таҳлил

MacromediaFlash ва PowerPoint дастурларининг анимацион имкониятларини солиширинг.



2. Тушунча таҳлили

E-learn бу – ...



Амалий кўнирма

Лаборатори иши учун виртуал стендинг сценарийсини ишлаб чиқинг.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларнинг ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмuni ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини тегишли сўзларнинг остига чизиб ёки чизмасдан, маҳсус белгиларни("v" - таниш маълумот, "?" - мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак, "+" - бу маълумот мен учун янгилик, "-" - бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман, "!" - жуда яхши ва ҳ.к.) варақ ҳошиясига қўйиш орқали ифодалайдилар.

Инпут-матн	Махсус белгилар
iSpringQuizMakerдастурида педагогикинтерфаолтестларнинг 11 хилшаклиелтирилган. Тестларучун <u>созламалардабиттатестга</u> қайтабирнечамартажавоббериша ўзгартиришимконияти мавжуд. <u>Хар бир тестгамуайянбалл белгилаш мумкин.</u> Шунгдек, қисман тўғрижавобларни бериш, саволважавобларни араштириш, вақт белгилаш, ҳар бир жавобнинг натижасини кўрсатиб бориши ёки <u>бир йўла тест якунланганда натижани кўрсатиш</u> , хатоларни таҳлил қилиш ҳам мумкин. Бу имкониятлардан фойдаланиб <u>назорат тестларини ўргатувчи тестларга айлантириш</u> мумкин. Бу эсатезкор власамарали ўқитишусларидан бирор хисобланади.	v
Тестларнинг саволлари ва жавобларига турли <u>расм, схема ва формулаларни биректириш мумкин.</u> Хар бир шакл муайян дидактик жихатларга эга.	+
	!
	-
	?
	!+

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади. Техник матнни инсерт усулида белгилашни амалий машғулотнинг уй вазифаси (мустақил иш) сифатида бериш ҳам мумкин.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниqlаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу

буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчилик тарқатмалар берилади (индивидуал ёки групхли тартибда);
- ўқувчилик мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт яқунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшигтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
=суммесли(диапазон; мезон;[қўшиладиган диапазон]	Excel дастурида қаторлар (устунлар) бўйича маълумотларни берилган мезон асосида саралаб, маълумотларни қўшади	қўшилардиган диапазон шарт эмас
Главное/Условное форматирование/Создать правило...	Шартли форматлаш командаси, агар шарт бажарилса маълумотларнинг форматини ўзгартириш мумкин.	
Данные/Проверка данных/Проверка данных/Параметры/Тип данных/Список	Маълумотларни танланадиган рўйхатга чиқаради	
MOODLE	Modular Object-Oriented Dynamic Learning Environment сўзларининг қисқартмаси бўлиб, модулли обьектга йўналтирилган динамик ўқув платформаси деган маънони англатади	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган бўлиши мумкин.


"Вени диаграммаси" методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита (учта, тўртта ва ҳ.к.) ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини бир нечта аспект орқали қўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлашадилар ва уларга қўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт (3-5) кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини танишитирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаласиб, қўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Анимациялар яратиш имкониятлари бўйича Venn-диаграммаси



III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-маъруза: Мультимедиа материаллари ишлаб чиқиш.

Режа:

1.1. Мультимедианинг дастурий таъминоти.

1.2. Озиқ-овқат технологияси йўналиши фанлари бўйича мультимедиа сценарийларини ишлаб чиқиш.

1.3. Анимациялар, виртуал стендлар ва интерфаол тестлар яратиш.

Таянч иборалар: мультимедиа, виртуал стенд, тақдимот, анимация, видеоилова, галерея, аудиоилова, сценарий, анимация эфектлари, Macromedia Flash, Adobe Flash, iSpring, QuizeMaker, объектларни ҳаракатлаштириши усуллари, интерфаол тестлар.

1.1. Мультимедианинг дастурий таъминоти.

Сифатли мультимедиа иловалари ишлаб чиқишига йўналтирилган турли-туман, бир-биридан фарқли технологик усуллар мавжуд. Ушбу иловаларни яратиш ва улардан фойдаланишда бир қатор асосий технологик тавсияларга амал қилиш керак.

Мультимедиа иловаларини яратиш учун асос сифатида материални элементларга бўлиш ва иерархия тарзida кўргазмали равища тақдим этишга асосланган ҳолда тизимлаштириш усулини ўзида мужассам этган материални қамраб олиш моделини олиш мумкин. Мультимедиа иловасини лойихалашда қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- материал мазмунини аниқ белгилаш;
- мазмунни кўргазмали, аниқ ва очик тарзда тақдим этиш;
- мультимедиа илова компонентлари таркибини аниқлаш.

Мультимедиа иловаларининг қўйидаги турлари мавжуд:

- презентациялар;
- анимацион роликлар;
- ўйинлар;
- видеоиловалар;
- мультимидали галереялар;
- аудиоиловалар;
- web учун иловалар.

Қўйида мультимедиа иловалари ҳақида асосий тушунчалар тўғрисида маълумот берилган:

Тақдимот (инг. presentation) – аудиовизуал воситалардан фойдаланиб кўргазмали шаклда маълумот тақдим этиш шакли. Тақдимот ягона манбага умумлашган компьютер анимацияси, графика, видео, мусиқа ва товушни ўзида мужассам этади. Одатда тақдимот маълумотни қулай қабул қилиш учун сюжет, сценарий ва структурага эга бўлади.

Анимацион роликлар. Анимация – мультимидали технология;

тасвириңинг ҳаракатланаётгандыгыни ифодалаш учун тасвириңинг кетмакет намойиши. Тасвир ҳаракатини тасвирилаш эффекти секундига 16 та кадрдан ортиқ видеокадрларнинг алмашинышида ҳосил бўлади¹.

Ўйинлар. Ўйин дам олиш, қўнгил очиш эҳтиёжларини қондириш, организмдаги зўриқишини йўқотиш ҳамда маълум малака ва қўнилмаларни ривожлантиришга йўналтирилган мультимедиа иловалариданdir.

Видеоиловалар – ҳаракатланувчи тасвирилар ишлаб чиқиши технологияси ва намойиши. Видео тасвириларни ўқиш қурилмалари – видеофильмларни бошқарувчи дастурлар.

Мультимедиа-галереялар. Галереялар – товуш жўрлигидаги ҳаракатланувчи суратлар тўплами.

Аудиоиловалар. Товушли файлларни ўқувчи қурилмалар – рақамли товушлар билан ишловчи дастурлар. Рақамли товуш – бу электрик сигнал амплитудасининг дискрет сонлар билан ифодаланиши.

Web учун иловалар – бу алоҳида веб-саҳифалар, унинг таркибий қисмлари (меню, навигация в.б.), маълумот узатиш учун иловалар, кўп каналли иловалар, чатлар ва бошқалар.

Мультимедиа иловалари яратиш технологиясини ўрганишда уларнинг қандай яратилишини ифодаловчи сценарий ишлаб чиқилади. Ҳар бир мультимедиа иловаси алоҳида таркибий қисмлар (турли мавзулар, мантиқий бўлаклар)дан ташкил топади. Мультимедиа иловаларини яратишқуидаги жараёнларни ўз ичига олади:

- яратилаётган мультимедиа иловаси учун мавзу танлаш, иш майдонини белгилаш (масштаб ва фон),
- кадрлар, қатламлардан фойдаланиш,
- турли шакллар символларини яратиш,
- дастурлаш тилида ўзгарувчилар киритиш ва скрипtlар ёзиш,
- товушли файллар билан ишлаш,
- матн қўшиш,
- эффектлар яратиш,
- расмлардан фойдаланиш ва импорт қилиш,
- кутубхонадаги тайёр компонентлардан фойдаланиш,
- навигацияни яратиш,
- матн разметкаси тиллари ва скрипtlаш тилларидан фойдаланиш.

Мультимедиа иловаларини ишлаб чиқиш бир неча босқичдаамалга оширилади, улардан асосийлари қуйидагилар:

1. Режалаштириш.
2. Элементларни ишлаб чиқиш.
3. Дастурий таъминот.
4. Текшириш.
5. Эълон қилиш.
6. Реклама.
7. Кузатув.

¹E. Vera. Using Flash. San Francisco:- Macromedia, Inc. pp. 17-187.

Ушбу ишларни босқичма-босқич кўриб чиқамиз.

Режалаштириш. Режалаштириш босқичида қуйидаги саволларга жавоб топилиши керак:

1. Мультимедиа иловаси нима учун мўлжалланган?
2. Мультимедиа иловаси қайси аудиторияга йўналтирилган?
3. Мультимедиа иловасига қандай маълумот жойлаштирилади?
4. Аудитория (фойдаланувчилар) билан қайтаалоқа қай тартибдаамалга оширилади?

Элементларни ишлаб чиқиши. Ушбу босқичда мультимедиа иловасини дастурий маҳсулот сифатидаамалга ошириш ишлари бажарилади. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Навигация тизимини ишлаб чиқиши.
2. Тақдимот учун WEB сайт ёки слайдларнинг дизайнини ишлаб чиқиши (мультимедиа иловаларини жорий этишнинг ҳар икки ҳолати учун ҳам кейинги ўринларда “саҳифа” деб юритилади).
3. Саҳифаларни тўлдириш учун матн ва кўргазмали материалларни тайёрлаш (жадваллар, графиклар, расмлар ва бошқалар).

Дастурий таъминот. Ушбу босқич мультимедиа иловаси саҳифаларини яратишни ўз ичига олади.

Текшириш. Мультимедиа иловасини яратишнинг асосий босқичларидан бири уни текшириш ҳисобланади. Текшириш жараёнида мультимедиа иловасининг тўғри ишлаши текширилади, жумладан:

- Гипермурожаатларнинг тўғри ишлаши.
- Матн ва кўргазмали материалларда хатоларнинг мавжуд эмаслиги.
- Мультимедиа иловаси саҳифалари бўйлаб навигациянинг қулийлиги.
- Почта ва бошқа шаклларнинг тўғри ишлаши (WEB -сайт учун).
- График файлларни юклашнинг тўғрилиги (WEB -сайт учун).
- Сайтнинг турли браузерларда тўғри ишлаши (WEB -сайт учун).

Мультимедиа маҳсулоти яратиш учун қуйидагиларни жалб қилиш мумкин:

1. Бутун малакали дастурчилар гуруҳи билан ишлашни талаб қилувчи дастурлаш тили.
2. Инструментал воситалар, яъни Macromedia Flash, Adobe Flash, Macromedia Director, Formula Graphics Multimedia System, Multimedia Creator, Asymetrix ToolBook, AuthorWare Professional, PowerPoint дастурининг iSpringиловаси ва бошқа шу каби маҳсус дастурий маҳсулотлар. Бу шаклда яратилган лойиҳалар анча арzon, шу боис унчалик универсал эмас, қўлланилган инструментлар имкониятлари чекланган бўлса-да, малакали фойдаланувчилар бундай инструментал воситалар ёрдамида ишлай оладилар.

Таълим бериш мақсадида мультимедиа маҳсулотини Microsoft Office дастурлари асосида ишлаб чиқиши мумкин, материални тайёрлаш учун эса PhotoShop (расмларни қайта ишлаш), Adobe Premier ёки Vstudio2 (видеоклипларни қайта ишлаш), Stoik Software (тасвиirlарни қайта ишлаш ва

морфинг яратиш), товуш ёзиш ва уни қайта ишлаш каби қўшимча дастурлардан фойдаланилади.

Мультимедиа маҳсулотлари яратишида қуидаги дастурлардан фойдаланиш мумкин:

- Macromedia Director – тақдимот ва мультимедиа маҳсулотлари яратишига хизмат қилади. Ушбу дастур MMX-технологиялар билан ишлайди ва тугмалар, слайдлар, клип ва анимациялар билан ишлашга имкон беради;

- Macromedia Flash, Adobe Flash - объектларнинг икки хилдаги анимация яратиши имконини беради (Shape ва Motion), "tools" асбоблар панели орқали векторли ва растрли графика билан ишлайди, вақт бўйича жараёнларни "layer" ларда ташкил қилиш учун "timeline" асбобига эга. Дастурний маҳсулотлар swf, exe, html, jpg ва бошқа форматларда сақланиши мумкин;

- Formula Graphics Multimedia System – интерфаол режимда ишловчи мультимедиа дастурларини тайёрлашни таъминлайди.

Мультимедиа лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун Microsoft Office дастурларидан фойдаланиш мумкин. Бунда маълумотлар базасини MS Access, анимация эффектлари ва тақдимотларни MS PowerPoint дастурларининг iSpring иловаларида яратиш мумкин.

Турли ҳисоб ишларини бажарувчи виртуал стендларни ва ўкув тренажёrlарини тузишда MS Excel дастуридан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун турли ҳисоблаш функциялардан фойдаланиш мумкин:

- вақт функциялари – ВРЕМЯ, СЕГОДНЯ, ДЕНЬ;
- математик функциялар – ABS, COS, LN, LOG, SIN, TAN, ЗНАК, КОРЕНЬ, МОБР, НЕЧЁТ, НОД, НОК, ОКРУГЛ, ОКРУГЛВВЕРХ, ОКРУГЛВНИЗ, ОКРУГЛТ, ОСТАТ, ПИ, ПРОИЗВЕД, СЛУЖМЕЖДУ, СЛЧИС, СУММ, СУММЕСЛИ, СУММКВ, ЦЕЛОЕ, ЧЁТН;
- статистик функциялар – МАКС, МАКСА, МИН, МИНА, НАИБОЛЬШИЙ, НАИМЕНЬШИЙ, СРЗНАЧ, СРЗНАЧА, СРЗНАЧЕСЛИ, СРОТКЛ, СЧЁТ, СЧЁТЕСЛИ, СЧЁТЗ, СЧИТАПУСТОТЫ;
- мурожаат ва массивлар билан ишловчи функциялар – АДРЕС, ВПР, ВЫБОР, ГИПЕРССЫЛКА, ГПР, ДВССЫЛ, ИНДЕКС, СМЕЩ, СТОЛБЕЦ, СТРОКА, ТРАНСП;
- матнлар билан ишловчи функциялар – ДЛСТР, ЗАМЕНИТЬ, ЗНАЧЕН, КОДСИМВ, ЛЕВСИМВ, НАЙТИ, ПОВТОР, ПОДСТАВИТЬ, ПОИСК, ПРАВСИМВ, ПРОПИСН, ПСТР, СЖПРОБЕЛЫ, СИМВОЛ, СТРОЧН, СЦЕПИТЬ, Т, ТЕКСТ;
- мантикий функциялар – ЕСЛИ, ЕСЛИОЩИБКА, И, ИЛИ, ИСТИНА, ЛОЖЬ, НЕ;
- хоссалар ва қийматларни текширувчи функциялар – ЕЛОГИЧ, ЕНД, ЕНЕЧЁТ, ЕОШ, ЕОШИБКА, ЕПУСТО, ЕССЫЛКА, Ч, ЯЧЕЙКА.

Шу билан бирга Excel дастурида қуидаги дастурлар имкониятлари ҳам мавжуд:

- "Данные/Проверка данных" меню бандида маълумотларни рўйхат қилиш ва уларни танлаш имкониятини яратиш;
- "Главное/Условное форматирование" меню бандида дастурний шартлардан келиб чиқиб маълумотларнинг форматини белгилаш;

- "Формулы/Диспетчер имен" меню бандида варақлар, массивлар ва ўзгарувчиларга ном бериш;
- "Данные/Получение внешних данных" меню бандида ташқи манбалардан маълумотларни олиш;
- "Рецензирование/Зашитит книгу", "Рецензирование/Зашитит лист" меню бандларида китоб ва варақларни дастурий ҳимоялаш;
- "Вид/Закрепить области" меню бандида экраннинг бир қисмини ҳаракатсиз ҳолатга келтириш;
- "Вид/Макросы" меню бандида VisualBasic дастури имкониятлари ёрдамида интерфаол навигация амалларини тадбиқ этиш мумкин.

1.2. Озиқ-овқат технологияси йўналиши фанлари бўйича мультимедиа сценарийларишлаб чиқиши.

Маълумки, медиа маҳсулотларни қўллаш дарс жараёнининг қизиқарли ва таъсирчан бўлишига олиб келади. Бироқ, баъзи мультимедиа материалларида қўйидагича камчиликларни учратиш мумкин:

- Мультимедиа материаллари одатда, айнан ўша фан мавзуси учун ишлаб чиқилмаган бўлади. Кўпинча у реклама материали сифатида ишлаб чиқилган бўлиб, уни ўкув жараёнида қўллашда баъзи ноқулайликлар мавжуд бўлади;

- Баъзи мультимедиа материаллари ҳам дарс жараёнида қўллаш учун, ҳам талабанинг мустақил таълим мини ташкил этиш учун мўлжалланган бўлади. Бироқ, бундай ҳолда иккила мақсадга ҳам тўлиқ эришиб бўлмайди. Мультимедиа материали таълим натижаларидан келиб чиқиб дарс жараёни учун алоҳида, талабанинг мустақил билим олиши учун алоҳида ишлаб чиқилиши зарур.

- Мультимедиа ишлаб чиқувчилар таълим жараёнида ўқитувчини тўлиқ "сиқиб чиқаришга" ҳаракат қилишади. Шуни эътиборда тутиш керакки, фақат мультимедиа маҳсулотидан фойдаланиб таълим натижаларига тўлиқ эришиб бўлмайди. Медиа маҳсулотидан фойдаланишда ўқитувчининг мунтазам кўрсатмалари ва айниқса назорати жуда зарур.

- Кўпчилик виртуал стендлардан фойдаланилганда назарий маълумотлар тўлиқ тасдиқланади. Реал ҳаётда эса назариядан четлашишлар ва хатоликлар бўлиб туради ва улар инсоннинг борлиқни қабул қилишида жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, виртуал стенди қўллашдан олдин талабалар лаборатория жиҳози ва техник асбоб-ускуналар билан амалда тажриба ўтказиб кўрган бўлишлари шарт. Виртуал стендлар тасаввур пайдо қилиш учун эмас, балки мавжуд тажрибаларни, кўниқмаларни такомиллаштириш учун зарур эканлигини унутмаслигимиз керак.

- Мультимедиа материаллари одатда, илфор гоя асосида шошилинч тарзда ишлаб чиқилади. Бироқ, ҳар қандай мультимедиа материали учун энг аввало унинг педагогик сценарийсиниишлаб чиқиши зарур.

Мультимедиа материалларини ишлаб чиқишида энг аввало унга оид матннинг мазмунли бўлакларини аниқлаб олиш зарур. Бунинг учун ҳар бир гапни унинг мазмун-моҳияти ўзгармагунча олдингисига қўшиб борилади. Мазмун-моҳият, тасвир ва образ ўзгарганда мазмунли бўлак якунланади.

Мазмунли бўлакни кучайтириш учун сезгиларни (кўриш, эшитиш, тан билиш, ҳид билиш, таъм билиш), эмоционал ва ҳаракат ҳисларини ўйғотувчи ҳолатлар ҳам қўшилса мультимедиа маҳсулоти таъсиран чиқади.

Мультимедиа сценарийсини ишлаб чиқиш учун техник матн мазмунли бўлакларга ажратилади ва ҳар бир мазмунли бўлак учун алоҳида мультимедиа, видео-, аудио эфектлар ишлаб чиқилади, уларнинг вақти белгиланади ва имкони борича эмоционал ҳолатлар режалаштирилади. Педагогик сценарийни ишлаб чиқиш мультимедиа маҳсулотларини ишлаб чиқишидаги энг дастлабки ва муҳим босқич ҳисобланади.

Медиа материал билан ўзаро коммуникацияларни ҳосил қилишда қўйидаги навигация элементларидан фойдаланиш мумкин:

- клавиатура комбинациялари (матни-рақамли ахборотни киритишда, анимацион эфектларда ва ҳ.к.);
- сичқонча курсорининг ҳаракатлари ёки бармоқ ҳаракатларига TouchPad панелининг реакцияси(кўшимча материалларни экранга чиқаришда, объектларнинг шаклини ўзгартиришда, анимацион эфектларда ва ҳ.к.);
- сичқонча ғилдирагининг айланиши ёки TouchPad панели чекка ҳудудларининг реакцияси(экранда ҳаракатланишда ва ҳ.к.).

Маъруза, амалий ва лаборатория машғулотлари бўйича виртуал стенdlарни ишлаб чиқишида ишни бажариш кетма-кетлигини белгилаб олиш зарур. Энг аввало, талабалар эришиши лозим бўлган таълим натижалари (TN) шакллантирилади. Улар асосида анимация кадрлари (K) яратилади (1-расм).

Масалан, қўйидаги ун таркибидаги клейковинани аниқлаш бўйича лаборатория иши учун ишлаб чиқиладиган виртуал стенда 4 та таълим натижаси белгилаб олинган. Яъни, мазкур ишни бажарган талаба:

- виртуал стенддаги асбоб-ускуналар билан ишлаш кўнкимасига эга бўлади (TN 1);
- клейковина миқдорини аниқлаш кетма-кетлигини билиб олади (TN 2);
- лаборатория ишига оид ҳисоб ишларини бажара олади (TN 3);
- виртуал стенд бўйича навигация амалларини бажаради (TN 4).

Ушбу таълим натижаларига эришиш учун 12 та кадр ишлаб чиқилган (қавс ичida эришиладиган таълим натижалари кўрсатилган):


- 1-кадр. Титул вараги.
- 2-кадр. 25 гр уннинг тарозида ўлчаб олиниши. (TN1, TN3)
- 3-кадр. Унни косачага солиб устига 14 мл сув қўйилиши. (TN1, TN3)
- 4-кадр. Хамир қориш, қорилган хамирнинг юмалоқланиши. (TN2)
- 5-кадр. Хамир 20 дақиқага тиндирилади, тиндириш жараёнида дон таркибидаги оқсиллар сувни ўзига ютиб бўкади. (TN2)
- 6-кадр. Хамирнинг жилдираб турган сув оқимида ювилиши. (TN2)
- 7-кадр. Клейковинанинг тоза ювилганлигини йод эритмаси билан текшириш жараёни. (TN1, TN2, TN4)
- 8-кадр. Клейковинанинг тарозида ўлчаниши ва натижанинг жадвалга қайд қилиниши (TN1, TN2, TN3, TN4)

9-кадр. Клейковинадан 4 гр ўлчаб олиб юмалоқлаш ва сувли идишга 15 дақиқага солиб қўйиш жараёни. (TN2, TN4)

10-кадр. Юмалоқланган хамирнинг ИДК-1 асбобига жойлаштирилиши ва пуансоннинг туширилиши, 30 секунд ўтгандан сўнг асбобни ўчириш ва кўрсатгичларни қайд қилиш. (TN3, TN4)

11-кадр. Жадвалдан мос сифат кўрсаткичини белгилаш (TN3, TN4).

12-кадр. Лаборатория иши натижаларини эълон қилиш.



1-расм. Таълим натижалари ва анимация кадрларининг ўзаро боғлиқлиги

Виртуал стенд кадрлари матнли ёзувлар ва жадваллар, объектлар навигация элементлари, скрипtlар воситасида яратилади.

1.3. Анимациялар, виртуал стенdlар ва интерфаол тестлар яратиш.

Анимациялар ва виртуал стенdlарни яратишида Macromedia Flash (Adobe Flash), PowerPoint дастурларидан кенг фойдаланиш мумкин. PowerPoint дастурларининг "Анимация" меню бандида график объект устида 4 хил – кириш, ажратиш, чиқиш, қўшимча ҳаракат йўллари каби анимацияларини ясаш мумкин. PowerPoint дастурида бошқарув элементларидан фойдаланиш мультимедиа материалининг интерфаоллигини янада яхшилайди. Бунинг учун Вставка/Фигуры/Управляющие кнопки меню командасидан фойдаланилади.


"Область анимаций" бандида эса анимацияларни созлаш мумкин. Бунда:

- объектларни ҳаракатлантириш (3 хил усулда - сичқонча билан чертиш орқали, олдинги объект билан бир вақтда, олдинги объектдан кейин);
- овоз бериш;
- анимация туганидан кейин объектни ўзгартириш;
- анимациядан олдин муайян муддат ушлаб туриш;
- анимациянинг давомийлигини белгилаш;
- анимацияни такрорлаш сонини белгилаш;
- анимация сатҳларини белгилаш;
- объектларнинг анимация тартибини ўзгартириш;
- текшириб қўриш ва таҳrirлаш каби амалларни бажариш мумкин.

PowerPoint дастурининг iSpring иловаси ёрдамида дастурга овоз ва

видео ёзиш мумкин. Шунингдек, яратилган анимацияларни exe, swf, html форматларига ўгириш мумкин.

Macromedia Flash (Adobe Flash) дастурида энг мукаммал анимацион эффектларни яратиш мумкин². Янги ҳужжат очилганидан кейин иш майдони пайдо бўлади (2-расм).



2-расм. Macromedia Flash интерфейси

Иш майдони ва сахна.

Сахна – бу яратилаётган фильмнинг кадрларини ясаш учун мўлжалланган майдонидир. Битта фильмда бир нечта сахналар бўлиши мумкин, объектлар сони кўп бўлганда фильмни сахналарга бўлиш мумкин.


Расмда кўрсатилганидек, оқ қисм – бу сахна, кулранг қисм эса – иш майдонидир. Иш майдонининг пастки ва ўнг томонида экранни суриш полосалари жойлашган.

Иш майдони объектларни ясаш ва вақтинча жойлаштириш учун мўлжалланган. Фильм намойиш қилинганда фақат сахнадаги объектлар кўринади. Сахнадан иш майдонига чиқиб кетган объектлар эса кўринмасдан қолади. Иш майдонида заҳирадаги тасвирлар ва уларнинг контурларини сақлаш мақсадга мувофиқдир.

Асбоблар палинрасида(3-расм) контурларни чизиш, уларни танлаш, таҳрирлаш, ойнада ҳаракатлантириш ва бошқа қўплаб амалларни бажариш

²E. Vera. Using Flash. San Francisco:- Macromedia, Inc. pp. 17-22.

учун мұлжалланған барча инструментлар жойлашган. Асбоблар палитрасибир нечтабўлимлардан ташкил топған.




3-расм. Асбоблар палитраси

Tools бўлимида объектларни яратиш ва таҳрирлаш асбоблари жойлашган. **View** бўлимидаги иккита асбоб кўриш масштабини ўзгартириш ва саҳнани ойнада харакатлантириш учун ишлатилади. **Colors** бўлимида фаол рангларни бошқариш, контурларнинг ҳошиясининг рангини ва ичини тўлдириш учун рангларни танлаш асбоблари жойлашган³.

Юқоридаги **Tools** бўлимидан бирор асбоб танланса энг пастдаги **Options** бўлимидаги модификатор-кнопкалар **Tools** бўлимида танланган асбобга қараб ўзгариб туради. Улар ёрдамида ўша танланган асбобда ишлашнинг режимлари танланади.

Координатали чизгичлар.

Координатали чизгичлар ҳужжат ойнасининг тепа ва чап қисмларида жойлашган (4-расм). Саҳнада сичқончанинг ўнг тугмачасини босиб **Rules** бандини танлаш орқали чизгичларни кўринадиган ёки кўринмайдиган қилиш мумкин.



³E. Vera. Using Flash. San Francisco:- Macromedia, Inc. pp. 48-58.

Йўналтирувчилар

Йўналтирувчилар (яшил рангли чизиқлар) ёрдамида обьектлар текисланади, тасвирининг умумий ёки алоҳида чегаралари белгиланади. Улар факат иш пайтида кўринади, печатга чиқмайди ва фильм намойишида кўринмайди. Йўналтирувчиларни экранга чиқариш учун координатали чизғичлар ёқилади ва чизғичга сичқонча билан босиб экран томонга ҳаракатланилади.

Йўналтирувчиларни қотириб ёки бўшатиб қўйиш мумкин (**View ▶ Guides ▶ Lock Guides**). Бунинг учун диалогли ойнада **Lock Guides** байроқчасини ўрнатиш керак (5-расм). Худди шу ойнада йўналтирувчиларни рангини ҳам танлаш мумкин.

Tўr.

Объектларни ясаш ва жойлаштиришда тўр ёрдамида юкори аниқликка эришиш мумкин. Менюдаги **View ▶ Grid ▶ Edit Grid** командаси орқали тўрнинг қадами ўзгартирилади. Бунда ойнадаги (6-расм) горизонтал ва вертикал ўлчам қийматларини киритиш лозим.

Тўрга, йўналтирувчиларга ва обьектларга тортилиши

Тортилиш режими ёқилганда обьектнинг нукталари ва чизиқлари йўналтиручининг ёки тўрнинг энг яқин тугунига “ёпишади”. Бу обьектларни етарли даражада аниқ қилиб текислашга имкон беради. Тортилиш режими тўрни созлаш ойнасида **Snap to Grid** байроқчасини ўрнатиш орқали ёқилади.


Hand асбоби

Ойнада иш майдонини ёки саҳнани экранни суриш полосалари ёки **Hand** асбоби ёрдамида, ёки пробель тутмачасини босиб туриб сичқонча билан саҳнани ҳаракатлантириш мумкин.


Қатламлар панели

Қатламлар панели вақт чизигининг чап томонида жойлашган (7-расм). Унда обьектлар ясалади ва таҳрирланади. Юқоридаги қатламлар пастдагиларни ёпиб туради. Қатламлар ўрнини ўзгартириш орқали улардаги обьектларнинг жойини ҳам ўзгартириш мумкин.


Flash-дастурларда экранда кадрларнинг тез алмашинувчи натижасида уларнинг ўлчамлари, шакли ва ранглари бир хилда ўзгараётгандек бўлиб кўринади. Анимацион ҳаракатлантиришнинг икки хил усули мавжуд. Биринчи усул – ҳар бир кадр навбатма-навбат ясад чиқилади. Бу усул жуда қийин усул, жуда кўп вақтни талаб этади, файл ўлчамини ҳам



5-расм. Йўналтирувчиларни созлаш



6-расм. Тўрни созлаш




7-расм. Қатламлар панели

ошириб юборади. Ундан фақат, кескин ўзгаришлар содир бўлиши керак бўлган жойлардагина фойдаланилади. Иккинчи усул – оралиқ анимация усули, унда фақат объектларнинг бошланғич ва охирги кадрлари ясалади, Flash-дастури оралиқ кадрларни ўзи ясади.

Оралиқ анимация икки хил – харакат анимацияси ва шакл анимацияси (морфинг) кўринишида бўлиши мумкин. Харакат анимациясида объект трансформацияланади, ҳаракатланади, рангини, шаффоғлигини ўзгартираади. Бу хилдаги амаллар фақат объект символлари устида бажарилади. Морфингда контурлар ўз шаклини ўзгартираади, бу амал фақатгина гурухланмаган контурлар устида бажарилади.

Вақт чизиги

Вақт чизиги анимацияларни ишлашда асосий асбоб ҳисобланади (8-расм). У қатламлар панел билан бирлашиб кетган, чунки ҳар бир қатлам учун ҳар бир кадрнинг алоҳида объектлар мавжуд бўлади.




8-расм. Вақт чизиги

Агар фильм узун бўлса, вақт дастагини топиш учун вақт чизигининг пастки қисмида **Center Frame** тугмачасини босиши керак. Бу тугмача кадрни ўзгартирмаган ҳолда вақт дастагини экраннинг ўртасига олиб келиб қўяди.


Кадр белгилари ва изоҳлар

Катта фильмларни яратишда кадр белгиларидан фойдаланиш жуда қулай. Бунинг учун зарур қалит кадрга босиб кейин 9-расмда кўрсатилгандек Label (белги) майдонига белги номини қисқа қилиб киритиш лозим.

Белги ўрнига қалит кадрлар учун изоҳ ёзиб қўйиш ҳам мумкин, бунда изоҳ олдида “//” белгиси қўйилади. Кадрда белгилар қизил байроқча, изоҳлар эса яшил чизиклар шаклида кўринади (10-расм).



9-расм. Кадр белгисини қўйиш



10-расм. Кадрларга қўйилган белги ва изоҳлар

Кадрларни ажратиши

Кадрларни ажратиши учун сичқонча тугмачасини босиб туриб керакли кадргача ҳаракатланиш керак. Бўш кадрларни ажратиши жуда осон, бунинг учун **Ctrl** тугмачасини босиб туриб сичқончани ҳам босиб ҳаракатлантириш керак.

Кадрларни қўйиши

Бир ёки бир нечта статик кадрларни фильм охирига қўйиш учун вакт чизифида бўш қадрни ва **F5** тугмачасини босиш ёки **Insert ▶ Frame** командасини бериш керак. Бунда оралиқдаги кадрлар статик кадрлар билан тўлади.

Кадрларни ўзгартириши

Агар статик қадрни калит кадрга айлантириш керак бўлса, уни ажратиб туриб **F6** тугмачаси босилади ёки **Insert ▶ Keyframe** командаси берилади.

Баъзан оралиқ анимацияни кадрли анимацияга айлантириш эҳтиёжи пайдо бўлади. Бунинг учун барча оралиқ кадрларни калит кадрларга айлантириш керак. Бунинг учун ўша кадрларни ажратиб туриб менюдан **Modify ▶ Frames ▶ Convert to Key Frames** командасини бериш керак.

Кадрларни ўчириши ва бошқа жойга кўчириши

Оддий ёки калит қадрни ёки кадрларни ўчириш учун уларни ажратиб туриб **Shift+F5** тугмачасидан ёки **Insert ▶ Remove Frame** командасидан фойдаланиш керак. Бунда фильмнинг узунлиги камаяди.

Калит қадр ёки бир нечта кадрларни бошқа жойга кўчириш учун уларни ажратиб кейин уларни сичқонча билан бошқа жойга кўчириш керак. Бунда кўчган кадрларнинг ўрнида бўш статик кадрлар пайдо бўлади. Кўчирилган кадрлар эса жойлашган ўрнидаги кадрларни ўчириб юборади.

Кадрлардан нусха олиши

Калит кадрдан нусха олиш ва уни бошқа жойга кўчириш учун **Alt** тугмачасини босиб ишлаш керак. Бунда **Edit ▶ Copy Frames** командаларидан ҳам фойдаланиш мумкин. **Edit ▶ Cut Frames** командаси эса ажратилган кадрларни ўчириб хотира буферига ўтказади.

Кадрлар нусхасини қўйиш учун эса қўйиладиган жойни босиб **Edit ▶ Paste Frames** командасини бериш керак.

Кадрли анимация


Кадрли анимация⁴ факат калит кадрлардан ташкил топган бўлади. Кадрли анимацияда ҳар бир кадр ясад чиқилади. Янги қадрни очиш учун **Insert Keyframe** командаси ёки **F6** тугмачасидан фойдаланилади. Ҳар бир

⁴E. Vera. Using Flash. San Francisco:- Macromedia, Inc. pp. 169-187.

янги очилган кадр ўзидан чап томонда турган калит кадрдаги объектларни ўзида такрорлайди. Янги кадр таҳирланиб, зарур кўринишга келтирилади.

Агар **Onion Skin** (калька) тугмачасини босадиган бўлсак 11-а расмда кўрсатилган вентил 11-б расмдаги кўринишга ўтади.


Бундан кўринадики, кадрли анимацияда ҳар бир кадрни ясадб чиқиш жуда қўп вақтни талаб этади. Шу сабабли кадрли анимация фақат кескин анимацион ўзгаришлар бўладиган жойлардагина ишлатилади.



11-расм. Кадрли анимация

Ҳаракат анимацияси


Ҳаракат анимациясида фақат символлар, гурухлар ва матнли блоклар билан ишланади. Бу анимацияда фақатгина объектнинг ҳаракатланиши эмас, балки унинг ўлчамларининг ўзгариши, айланиси, оғиши ҳам кўрсатилади.



12-расм. Ҳаракат турини танлаш

Масалан, саҳнада 1-кадрда **Rectangle** асбоби ёрдамида квадрат ясаймиз. Кейин 30-кадрга **Insert KeyFrame** командасини бериш орқали янги калит кадр кўямиз. Энди 30-кадрдаги объектни ўзгартирамиз, бунинг учун уни соат стрелкаси бўйича 45 градусга айлантирамиз ва бошқа рангга бўяймиз. Энди **Insert** панелидаги **Insert ▶ CreateMotion Tween** командасини берамиз. Бунда 1-кадрдан 30-кадрга қараб йўналган кўк рангли стрелка ҳосил бўлади. Пастда **Tween** майдонида **Shape** бандини танлаймиз (12-расм).

Энди **Onion Skin** тугмачаси ёки **Edit Multiple Frames** командаси орқали 13-расмдаги тасвирни пайдо қиласиз.



13-расм. Ҳаракат анимацияси натижаси

Ҳозирги кунда Word, Excel, PowerPoint дастурлари фан ўқитувчиларининг қундалик қуролларига айланиб улгурди. Таълим соҳасига кириб келган янгиликлардан яна бири бу - PowerPoint дастурида iSpring иловаларининг пайдо бўлишидир. Ушбу иловалар PowerPoint дастуридаги анимациялар яратишга, интерфаол тестлар тузишга имкон беради.

iSpring иловалари таркибига iSpring Free, iSpring Pro, iSpring SUITE, iSpring QuizMaker кабикомпонентларкиради. Хусусан, iSpring QuizMaker иловасиинтер фаол тестлар тузиш учун мўлжалланган бўлиб, тестология фанининг деярли барча ютуқлари ушбу мўъжазгина дастурда жамланган.

iSpringQuizMaker иловасини PowerPoint дастурига ўрнатиш iSpringSuite да стуридан бошланади.

SpringSuite дастурлар пакетига iSpringPro, iSpringQuizMaker, iSpringKinetics илоvalari жамланган бўлиб, iSpringQuizMaker дастури аудио, видео файллар, тасвира формулалар ёрдамида интерактив тестлар ва анкеталар яратиш имконин иберади.

iSpringQuizMaker дастурида педагогикинтерфаол тестларнинг 11 хилшакли келтирилган. Тестлар учун созламалар дабиттатест гақайта-қайтабирнечамартажавоб беришва ўзгартириш имконияти мавжуд.

Ҳар бир тест гамуайян балл белгилашумкин. Шунгдек, қисман тўғри жавобларни бериш, савол вожавобларни алаштириш, вақт белгилаш, ҳар бир жавобни ингната жасини кўрсатиб бори шёки бир йўлатестякунлангандан ат ижаник ўрсатиши, хатоларни таҳлил қилиш ҳам мумкин. Бу имкониятлардан фойдаланиб назорат тестларини ўргатувчи тестлар гайлантиришумкин. Бу эса тезкор ва самара ли ўқитиши сувларидан бири хисобланади.

Тестларнинг саволлари вожавобларига турли расм, схема ва формула ларни бир иктиришумкин. Ҳар бир шакл муайян дидактика жатларга эга. Қўйидаулар QuizMaker дастурида гикет ма-кетлик бўйича келтирилган.

1-шакл. "Тўғри/нотўғри" шакли даги ёпиқ тест - бундаберилган саволга 2 хилжавоб қайтаришумкин ("тўғри/нотўғри", "ҳа/йўқ" вах.к.). Бутестдаталабанингах боротни билиши синалади.

2-шакл. Биттатўғри жавобли ёпиқ тест - бир неча вариатдан керакли жавобни танлаш. Бутестга анъанавий 4 жавобли тестлар мисол бўлади.

Бутестдаталабадан тўғри жавобни нотўғри жавоблардан фарқлашталаб этилади.

3-шакл. Бир неча тўғри жавобли ёпиқ тест.

Бутестолдингисидансалмураккаброқбўлиб,
талабадантўғрижавобларнивауларнингсонинианиқбилишталабэтлади.

4-шакл. Матн киритиладиган очиқ тест. Жавобни сатрга киритиш йўли билан жавоб берилади. Бу тест олдингиларидан мураккаброқ бўлиб, талабадан аниқ жавобни билиш ва уни тўғри киритиш талаб этилади.

5-шакл. Мосликни аниқлаш тести. Талабадан жавоблар ёзилган тугмачаларни ҳаракатлантириб бир-бирига бириттириш талаб этилади. Бу тестда навигация элементлари ишлатилганлиги учун бошқаларидан анча қизиқарли. Бу тестда битта савол ичида бур нечта муаммо берилади. Бироқ, талаба осон жавобларни топса, мураккаб жавоблар ўз-ўзидан маълум бўлади. Бу вазият талабани мантиқий фикрлашга ўргатади.

6-шакл. Тартибга келтириш тести. Бу тестда жавоблар берилган бўлиб, уларни муайян кетма-кетлиқда жойлаштириш талаб этилади. Бу тестда ҳам навигация элементи қўлланилганлиги сабабли у бошқаларига қараганда қизиқарлироқдир. Бу тестда ҳам мантиқий фикрлаш талаб этилади, бироқ мослик тестидаги каби жавоблар ўз-ўзидан маълум бўлиб қолмайди. Шу сабабли бу тест бошқаларидан анча мураккаб ва қизиқарли ҳисобланади.

7-шакл. Сон киритиладиган очиқ тест. Очиқ тестнинг (4-турдаги тестнинг) хусусий шакли бўлиб, талабадан аниқ жавобни билиши ва сатрга сонни ёзиш талаб этилади. Бироқ, бу тестнинг ўзига хослиги шундаки, унга жавобни аниқ, тахминий ёки, маълум бир оралиқда бериш мумкин. Бу тест тузувчига саволни тўғри шакллантиришни, талабадан эса саволдаги иккинчи яширин маънони англаган ҳолда тўғри жавоб беришни талаб этади.

8-шакл. Бўш жойларга матн киритиладиган очиқ тест. Бу тестни тузувчи жавобларни савол ичига моҳирлик билан яшириши зарур. Талаба эса гапни ўқиб, унинг маъносидан келиб чиқиб, унда жавоблар мавжуд бўлади, талабадан фақат мантиқий фикрлаш ва жавобларни бир-бирига қиёслаб рўйхатдан тўғрисини танлаш талаб этилади. Бу тест талабанинг ёзма нутқини (лексика, грамматика, орфография) тўғри шакллантиради.

9-шакл. Бўш жойларга матн киритиладиган ёпиқ тест. Ушбу тест 8-турдаги тестга нисбатан осонроқ, чунки, унда жавоблар мавжуд бўлади, талабадан фақат мантиқий фикрлаш ва жавобларни бир-бирига қиёслаб рўйхатдан тўғрисини танлаш талаб этилади.

10-шакл. Жавобларни банқдан танлаш тести. Бу тест сўзлар омборидан тўғри жавобларни танлаб, ҳаракатлантириб ўзининг жойига қўйиш талаб этилади. Бу тест тузувчидан аниқ жавобни режалаштиришни, бошқа тўғри жавоблар бўлмаслигини талаб этилади.


11-шакл. Фаол соҳани белгилаш тести. Бу тестда жавоблар сони фаол соҳалар сонига мос бўлиши талаб этилади. Ушбу тестнинг ўзига хослиги шундаки, талабанинг график тасаввурларини шакллантиради.

Масалан, озиқ-овқат технологиясини ўқитишда таълим технологиялари фани материаллари бўйича қуйидаги шаклдаги тестлар ишлаб чиқилиши мумкин.

1-шакл.

Ҳавони тозаловчи бош фильтрда пахта толаларидан фойдаланиладими?

- Йо'q
- НА



2-шакл.

Қайси модда ҳавони чангдан тозалаш мақсадида қўлланилади?

- шишатолалар
- фаоллаштирилган кўмир гранулалари
- пахта толалари

3-шакл.

Микробиологик технологияда ҳаво ва газлардан фойдаланиш турларини кўрсатинг.

- культурал суюқликдан турли газларни йўқ қилиш учун инерт газларни тайёрлаш ва узатиш
- сочиувчан маҳсулотлар пневмотранспортида микроорганизмлар сүспензисини ҳайдаш учун сиқилган ҳавони тайёрлаш ва узатиш
- сикиқ ҳаво ёрдамида иситиш
- ҳавони дезодорациялаш
- технологик ускуналардан чиқадиган ҳаво ва газлар аралашмасини тозалаш
- аэроб ўстиришда ҳавони тозалаш ва узатиш

4-шакл.

Ҳаводаги қуруқ чанглар ўтиб кетмаслиги учун фильтр қатламлари мойлаб қўйилади. Бундай фильтр қандай номланади?



5-шакл.

Ферментаторлар ва уларга мос элементларни бирлаштиринг.



6-шакл.

Ҳавони тозалаш ва стерииллаш технологиясидаги босқычларни түрін кетма-кетлиқда жойлаштириңг.

1. Сикилган ҳавони 100-200 С гача қыздырыш
2. Юпқа ва нозик фильтрда ҳавони стерииллаш
3. Бош фильтрда етарлы температура ва намлекка келтириб қолған чанг ва микроорганизмдердан тозалаш
4. Ҳавони чангдан тозалаш ва уни сиқыш
5. Ҳавони 20-30 С гача совутиш ва намлекини камайтириш

7-шакл.

Дастлабки тозаловчи фильтрлар ўлчамлари неча микрометрдан ортиқ бўлган заррачаларни ушлаб қолади?

10-15

8-шакл.


Бўш жойни матн ёзиб тўлдиринг.

Озуқа оқсили ишлаб чиқариш жараёнида ачитқи ҳужайраларини куюқлаштириш учун усули қўлланилади.

9-шакл.

Очиладиган рўйхатлардан түрги вариантларни танланг.

Антибиотиклар ишлаб чиқариш жараёнида культурал суюқликдан микроорганизмлар биомассасини ажрвиб олиш учун усули қўлланилади.




10-шакл.


Банқдан жавобларни танланг.

Микроорганизмлар ўстирилганда культурал суюқлика ҳарорат ни доимий ушлаб туриш керак. Шунингдек, катта микдорда кислород зарур бўлади.

Ферментация жараёнида ни йўқотиш зарур бўлади.



11-шакл.



Бундай тестларни мураккаблиги бўйича қуидаги даражаларга ажратиш мумкин:

1-даражада: 1, 2, 3, 4, 7-шакллар. Булар оддий ёпиқ ва очик тестлар бўлиб, асосан матн ва сон кўринишидаги ахборотни билишни текшириш учун қўлланилади;

2-даражада: 5, 6, 8, 9, 10-шакллар. Булар мураккаб тест турлари бўлиб, асосан талабанинг мантиқий фикрлашини синаш учун мўлжалланган. Бу тестлар интерфаолликни ошириш учун навигация элементлари билан таъминланган;

3-даражада: 11-шакл. Бу фаол соҳани аниқлаш тести бўлиб талабанинг график тасаввурини синаш учун мўлжалланган. Бу шаклни оддий ва жуда мураккаб тестлар учун ҳам бир хилда қўллаш мумкин.

Олий таълимга Moodle тизимининг тадбиқ этилиши профессор-ўқитувчилар олдига тезда сифатли тестлар тайёрлаш муаммосини қўяди.

Албатта, ўқитувчилар энг аввало олдин яратилган стандарт тест базаларига мурожаат қилишади, чунки, бу базалар йиллар давомида шаклланган, бир неча марта қайта ишланган. Шу сабабли, базадаги ушбу стандарт тестларни қайта ишлаб интерфаол тестларга айлантириш муаммоси энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

1-даражали тестларни стандарт тестлардан қайта ишлаб қийин эмас. Хусусан, 1-2 шакллар стандарт тест ҳисобланади. 3-шаклни бир нечта стандарт тестнинг умумлашмаси сифатида қараш мумкин. 4- ва 7-шаклда стандарт тестнинг фақат тўғри жавобидан фойдаланиш мумкин.

2-даражали тестларни шакллантиришда стандарт тестлардан фойдаланиш самара бермайди, бундай тестларни матнни чукур мутолаа қилиш орқалигина яратиш мумкин. Масалан, 5-шаклдаги мослик тестнини тузиш учун бир мавзунинг мазмунли бўлакларида (абзацлардаги) ўзаро бир хил боғлиқ элементларни топиш талаб этилади. 6-шаклдаги тестни тузиш учун матндан бирор кетма-кетликка оид тушунчаларни топиш ва тестга жойлаш талаб этилади. 8-шаклдаги тест учун мантиқан тугалланган матн танлаб олинади, бу матннинг ичидаги бир нечта атамалар бўлиши шарт. Ушбу атамалар алоҳида жавоб шаклида тестга киритилади, матнда эса атамалар учун бўш жой қолдирилади. 9-шаклдаги тестларни ишлаб чиқишида 8-шаклдаги тестлардан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун қолдирилган ҳар бир

бўш катақчага бир нечта варианлар киритиб чиқилади. 10-шаклдаги тестни ҳам шу тарзда тузиш мумкин. 8-9 шакллардан фарқли равишда бу тестда жавоблар очиб, сочилган ҳолатда тақдим этилади. Уларни ушлаб ҳаракатлантирилади ва бўш катақчага жойлаштирилади.

З-даражали тестлар 1-2 даражадаги тестларни ҳам ўз ичига олган ҳолда, уларнинг мураккаб жамланмаси шаклида намоён бўлади. Бу тестларни тузиш учун албатта расм, схемалар бўлиши зарур. Талаба қўрсатиши зарур бўлган элемент расмнинг ичидаги мавжуд бўлиши шарт. Жавоблар қисмини шакллантиришда ўқитувчи элементни (фаол зонани) доира, тўртбурчак, ёки бошқа геометрик шакл билан чегаралаб қўрсатиши лозим. Талаба эса бу ҳудудни нишон нуқта билан қўрсатиши талаб этилади.

Бу тестлар анъанавий тестларга қараганда бир нечта интерфаол элементлар, навигация амаллари билан таъминланган. Бу эса талабаларнинг қизиқишиларини янада кучайтириб юборади. Интерактив тестларни расм, овоз ва формулалар билан бойитиш имкониятининг мавжудлиги уларни янада қизиқарли қилиб қўяди ва талабани юқори ташабbus билан ишлашга чорлайди.

Назорат саволлари:

1. Мультимедиа иловаларини яратиш қандай тартибда амалга оширилади.
4. Анимацион ролик нима?
5. Ўйин шаклидаги мультимедиа маҳсулотларига таъриф беринг.
8. Аудиоловалар нима?
9. Web учун иловалар деганда нимани тушунасиз?
10. Мультимедиа иловаларини яратиш қандай жараёнларни ўз ичига олади?
12. Excel дастурида ўқув тренажёрлари яратишда қандай математик функциялардан фойдаланилади?
14. Мультимедиа материалларида учрайдиган баъзи камчиликларни айтиб беринг.
16. Мультимедиа материалларида қандай навигация элементлари ишлатилади?
17. PowerPoint дастурида қандай анимация турларидан фойдаланилади?
18. Macromedia Flash дастурининг интерфейсини таърифлаб беринг.
22. Macromedia Flash дастурида координатали чизгичлар, йўналтиргичлар ва тўр қандай мақсадларда қўлланилади?
23. Macromedia Flash дастурида кадр белгилари ва изоҳлар нима учун керак?
26. iSpring QuizMaker иловасида интерфаол тестлар тузиш қандай тартибда амалга оширилади?
28. iSpring-тестларни даражаларга ажратинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. E. Vera. Using Flash. San Francisco:- Macromedia, Inc. pp. 17-22, 48-58, 169-187, 403-411.
2. Андерсен, Бент Б. Мультимедиа в образовании / Бент Б. Андерсен, Катя ван ден Бринк – М. : Дрофа, 2007. – 224 с.

3. В.С.Хамидов, Д.А.Собирова. «Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари» модули бўйича ўқув–услубий мажмуа. Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази. Тошкент-2015 й. 64 б.
4. Федоров А. Медиаобразование: История, теория и методика. – Ростов-на-Дону: Изд-во ЦВВР, 2001. – 708 с.
5. <http://programmersclub.ru/alar-flash-lesson1/>
6. <http://www.ispring.ru/ispring-quizmaker>

2-маъруза: Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари.

Режа:

2.1. Масофали ўқитишинг назарий асослари.

2.2. LMS тизимлари таҳлили.

2.3. Соҳага оид оммавий онлайн очиқ курслар.

Таянч иборалар: масофали ўқитиши, масофали таълим, масофавий ўқитиши тизими, бирламчи модель, иккиламчи модель, франчайзинг, валидация, LMS тизими, Moodle тизими, оммавий онлайн очиқ курслари.

2.1. Масофали ўқитишинг назарий асослари.

Янги технологиялар кун сайин ривожланиб, ахборотлаштириш жараёни тез суръатлар билан ўсиб бораётган ҳозирги даврда таълим соҳасида ахборот ресурсларини ташкил этиш ва таълимда фойдаланишга мамлакатимизда ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида «Электрон таълим» миллий тизимини яратиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 апрелдаги ПҚ-1740-сон қарори таълим соҳасида ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва ундан фойдаланиш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтиришга замин яратади.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиши усулларига қўшимча равища янги ўқитиши шакли - масофавий ўқитиши яратилишига омил бўлди.

Масофавий таълимда талаба ва ўқитувчи фазовий бир-биридан ажralган ҳолда ўзаро маҳсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва Интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўладилар.

Таълим муассасаларининг кундузги бўлимларида таҳсил олиш имконияти бўлмаган, масалан, соғлиги имкон бермайдиган, мутахассислигини ўзгартириш нияти бўлган ёки ёши катта ва малакасини ошириш нияти бўлган кишилар учун масофавий ўқитиши жуда қулай ҳисобланади.

Масофавий ўқитишида турли хил ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланилди, ҳар бир технология ўз мақсади ва мазмунига эга. Масалан, анъанавий босма усулига асосланган ўқитиши воситалари (ўқув қўлланма, дарсликлар) талabalарни янги материал билан таништиришга асосланса, интерактив аудио ва видео конференциялар маълум вақт орасида ўзаро мулоқот қилишга, электрон почта орқалиҳборот алмашишга мўлжалланган. Видеомаърузалар талabalарга маърузаларни кўриш ва тинглаш имконини берса, факсимал алоқа, хабарлар ва топшириқларни тармоқ орқали тезкор алмашиниш талabalарга ўзаро тескари алоқа орқали ўқиш имконини беради.

Масофавий ўқитиши – энг яхши анъанавий ва инновацион методлар, ўқитиши воситалари ва шаклларини ўз ичига олган сиртқи ва кундузги таълим каби ахборот ва телекоммуникация технологиялари асосидаги таълим шакли.

Масофавий ўқиши – бу янги ахборот технологиялари, телекоммуникация технологиялари ва техник воситаларига асосланган таълим тизими. У таълим олувчига маълум стандартлар ва таълим қонун-қоидалари асосида ўқув шарт-шароитлари ва ўқитувчи билан мулоқотни таъминлаб бериб, ўқувчидан кўпроқ мустақил равишда шуғулланишини талаб қилувчи тизимдир. Бунда ўқиши жараёни таълим олувчини қайси вақтда ва қайси жойда бўлишига боғлиқ эмас.

Масофавий таълим – масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашувчи воситаларга асосланган, ўқитувчи маҳсус ахборот мухит ёрдамида, аҳолининг барча қатламлари ва чет эллик таълим олувчиларга таълим хизматларини кўрсатувчи таълим мажмуаидир.

Масофавий ўқитиши тизими – масофавий ўқитиши шартлари асосида ташкил этиладиган ўқитиши тизими. Барча таълим тизимлари сингари масофавий ўқитиши тизими ўзининг таркибий мақсади, мазмуни, усуслари, воситалари ва ташкилий шаклларига эга.


Ахборот коммуникация технологияларини таълим жараёнида қўллаш асосан икки хил кўринишда амалга оширилади:

1. Техник жиҳозлар билан таъминланганлик: компьютерлар, тармоқ қурилмалари, юқори тезликдаги интернет тармоқлари, видео конференция жиҳозлари ва ҳакозо.

2. Дастурий таъминот: мавжуд қурилмаларни ишлатадиган дастурний таъминотлардан тортиб шу соҳа учун мўлжалланган дастурлар тўплами киради.

Сўнгги йилларда Ғарбда таълим тизимини бошқаришда қўлланилиб келинаётган Интернет ёки Интернет тармоғи орқали электрон шаклдаги таълим тури elearning атамаси билан номланади. Айниқса, оммавий онлайн очик курслари (МООК) ҳозирда жадал суръатлар билан ривожланмоқда⁵.

Elearning ўз ичига электрон ўқув контенетларни билим олувчига етказиш усулидан келиб чиқсан ҳолда гурухларга ажратиш мумкин.



15-расм. Elearning электрон таълим тизими гурухлари

⁵ R.McGreal, W.Kinuthia, S.Marshall. Open Educational Resources: Innovation, Research and Practice. Commonwealth of Learning and Athabasca University, Vancouver, 2013. pp. 6-10

ЮНЕСКО институтининг 2000 йилдаги таҳлилий тадқикот материалларида (“Distance Education for the Information Society: Policies, Pedagogy and Professional Development”) масофали ўқитишнинг қуидаги моделлари ажратиб келтирилган.

Бирламчи (ягоналик) модели. Ушбу модел ташкилий тузилишига кўра факат масофали ўқитишда ва «масофали» талабалар билан ишлаш мақсадида ташкил этилади. Ўқитиш шундай амалга ошириладики, бунда таълимнинг кундузги шакли зарур бўлмайди. Барча ўқитиш масофадан амалга оширилади. Ушбу моделда ўқитишда худудий марказлар бўлиб, уларда талабалар ўқитувчилардан маслаҳатлар олиши ёки якуний имтиҳон топширишлари мумкин.

Бундай олийгохларда ўқитувчиларга ҳам талабаларга ҳам ўқув фаолиятининг шакл ва услубларини танлашда катта эркинлик берилади. Вақт ва ўқув жадвалларига қатъий чегаралар қўйилмайди. Бундай тамойилда ўқитиш Очиқ университетларда, масалан, Буюк Британиянинг Очиқ университети (United Kingdom Open University – <http://www.open.ac.uk>) да ташкил этилган.

Иккиласми (иккиланган) модели. Бундай тизимда олийгох кундузги талабаларни ҳам, қисман кундузги ва қисман масофали дастур асосида ўқитади. Ҳар иккаласида ҳам дарс жадваллари, ўқитиш дастурлари, имтиҳонлари ва баҳолаш мезонлари бир хил бўлади. Одатда иккиланган моделни ривожлантираётган олийгох кундузги талабалар сони масофали ўқиётган талабалар сонидан катта бўлган анаънавий олийгохлардир. Шунинг учун бир университетнинг ўзида икки шаклнинг биргалигига кўпроқ ўзларида катта ўқув материалларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган кундузги таълим олаётган талабалар ютадилар. Бундай олийгохларда масофали курслар ҳар доим ҳам фойда келтирмайди, баъзан у қисман кундузги талабаларни ўқитиш ҳисобидан амалга оширилади. Бундай ҳолатларда асосий урғу тажрибага, педагогика ва услубий инновациялар тадқиқотига ва бошқаларга берилади. Масофали ўқитишнинг бундай модели Австралиянинг янги Англия университети (University of New England, Australia – <http://www.une.edu.au>) да ташкил этилган.

Аралаш модел. Ушбу модел университет талабаларини масофали ўқитишнинг турли шаклларини, аниқроғи шаклларнинг интеграциясини назарда тутади. Масалан, кундузги шаклда ўқиётган талабалар масофали ўқитиш курсларининг дастурларида гиларни ёки ушбу университетнинг ўқитувчиси ўқиётган кундузги курслари билан параллел равища қисман ўқийдилар. Шунингдек, бу моделда анъанавий курслар доирасида виртуал семинарлар, тақдимотлар, маъruzалар кўринишидаги машғулотлар алоҳида шаклларининг бирлашмаси бўлиши мумкин. Университет ахборот ва коммуникация технологиялари воситалари билан қанчалик юқори жихозланган бўлса, шунчалик ўқитиш шакллари турли-туман бўлади. Интеграллашган бундай курслар Янги Зеландиядаги Массей университетида (Massey University, New Zealand – <http://www.massey.ac.nz>) ташкил этилган.

Консорциум. Ушбу модел икки университетни бирлашмасидан иборат. Бунда улар ўқув материаллари билан алмашадилар ёки баъзи вазифаларни

бўлишиб оладилар. Масалан, бир университет масофали ўқитиш учун ўқув материаллар ишлаб чиқаради, бошқаси виртуал ўқув гурухларини ўқитувчилар билан таъминлайди ёки масофали ўқитиш дастурларини расмий аккредитациясини ўтказади. Бундай ҳолларда университет бутунлай ёки унинг алоҳида марказлари, факультетлари, хатто таълим хизмати бозорида ишлаётган тижорат ёки давлат ташкилотлари ҳамкор бўлишлари мумкин. Консорциумлар фақат қаттий марказлашган бошқариш ва яратилаётган ашёларнинг муаллифлик ҳамда материал хукуқларини риоя этиш шартларидагина самарали бўлади. Канададаги Очиқ ўқув Агентлиги (Open Learning Agency, Canada – <http://www.ola.bc.ca>) консорциумга мисол бўлиши мумкин.

Франчайзинг. Франчайзинг тамойилида ташкил этилган масофали ўқитиш моделида ҳамкор университетлар бир – бирларига ўзларининг масофали курсларини берадилар. Бунда таълим хизмати бозорида ўзини кўрсатган қандайдир университет ўзида ишлаб чиқсан курсларини масофали ўқитишни эндиғина ташкил қилаётган ва масофали ўқитиш учун ўқув ашёларини мустақил ишлаб чиқиш тажрибасига эга бўлмаган бошқа олийгоҳ – ҳамкорларига ўқитиш ҳуқуқини бериши мумкин. Бундай моделнинг қизиқ томони шундаки, талабалар ўзларининг университетида ўқишга ёзилиб, консорциумга кирган илғор олийгоҳ талабаси каби ўша ҳажмда ва ўша сифатда таълим хизматларига, ўқишини битирганларидан кейин хатто дипломларига эга бўладилар. Бунда илғор университетнинг барча атрибутикалари ўз кучини сақлаб қолади. Франчайзинг моделига мисол сифатида Буюк Британиянинг Очиқ университети қошидаги Бизнес Мактаби (Open University Business School, Great Britain) ва унинг Шарқий Европадаги университетлари билан алоқасини олиш мумкин.

Валидация. Масофали ўқитишнинг жуда кенг тарқалган модели бўлиб, бунда таълим муассасалари масофали ўқитиш бўйича хизматларни барча ҳамкорлари тенг даражада бажаришлари ҳакида келишув имзолаб оладилар. Уларнинг бири диплом валидацияси, курс ва дастурларни аккредитациясини қиласи, расман тан олинадиган диплом ва сертификатларни беришга масъул бўлади, илмий даражалар беради ва хоказо. Бош олийгоҳ (давлат аккредитациясига эга бўлган таниқли олийгоҳ) ва унинг худудлардаги кўп сонли филиаллари орасидаги муносабатлар ҳам шу модел асосида ташкил этилади.

Узоқлаштирилган аудиториялар. Бу моделда замонавий ахборот технологияси воситалари фаол фойдаланилади. Қандайдир олийгоҳда ўтказилаётган ўқув курслар, маъruzалар ёки семинарлар талабалар йиғиладиган узоқлаштирилган ўқув аудиторияларга синхрон телекўрсатув, видеоанжуман, радиоэшиттириш кўринишида телекоммуникация каналларидан узатилади. Бунда бир ўқитувчи бир вақтни ўзида талабаларнинг катта аудиторияси билан ишлайди. Ушбу модел бўйича АҚШ нинг Висконсия университети (Wisconsin University, USA) да, шунингдек, Хитойнинг марказий радио ва телеведение университети (China Central Radio and TV University) да масофали ўқитиш ташкил этилган.

Лойиҳалар. Давлат таълим ёки илмий-тадқиқот дастури доирасида кенг қамровлик лойиҳани амалга ошириш учун мўлжалланган масофали ўқитиш моделидан иборат. Ушбу моделда асосий аҳамият ўқув материалларини ишлаб чиқувчи асосий мутахассис ходимлар, масофали курсларни олиб борувчи ўқитувчилар ва олимлар йигиладиган илмий – услугбий марказга қаратилади. Марказда ишлаб чиқиладиган масофали курслар у ёки бу давлат (худуд) нинг катта аудиториясига узатилади. Бундай ўқитиш вақтинчали ҳисобланиб, лойиҳада мўлжалланган ишлар бажарилгандан ёки тугагандан сўнг тугатилади. Бу моделга мисол сифатида Африка ва Лотин Америкасининг ривожланаётган давлатларида турли ҳалқаро ташкилотлар ўтказган қишлоқ хўжалиги, агротехниканинг янги услублари, экология бўйича ва ш.к. масофали ўқитиш курслари олиш мумкин.

Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари

Электрон таълимни ташкиллаштиришнинг кўпгина манбалари орасидан қўйидагиларни кўрсатиш мумкин (15-расм):


- Муаллифлик дастурий маҳсулотлари (Authoring tools);
- Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимлар LMS (Learning Management Systems);
- Ички контентни бошқарув тизимлари CMS (Content Management Systems).

Ҳаммамизга маълумки, ҳар бир университет ёки таълим муассаси ўз таълим жараёнини бошқариш учун замонавий технологиялардан келиб чиқсан ҳолда, ўзининг виртуал ахборот таълим муҳитини яратишга ҳаракат қиласи. Ҳозирги вақтга келиб, виртуал ахборот таълим муҳитини яратишнинг ҳожати қолмаган, чунки Web муҳитига мослашган ҳар ҳил турдаги дастурий мажмуалар жонкуяр дастурчи ва таълим соҳасида ишлаб келаётган ходимларнинг ҳамкорликда ишлашлари шунингдек, таълимга йўналтирилган фонdlар томонидан қўллаб қувватланиши натижасида, эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар яратилган.

МТ жараёнини амалга оширишда қўйида кўрсатилган босқичлар асосида амалга ошириш мумкин:

- 1-босқич: Тахлил
- 2-босқич: Лойиҳалаштириш
- 3-босқич: Жорий қилиш
- 4-босқич: Ўқув контентларини яратиш
- 5-босқич: Ишга тушириш
- 6-босқич: Ривожлантириш

1-босқичда ўқув муассасининг масофавий таълим жараёнига бўлган эҳтиёжлари, таълим жараёнида қатнашаётган фойдаланувчиларнинг сони, ўқитиш усувлари ва шакллари, лойиҳани амалга оширишда керак бўладиган техник, дастурий ва инсон ресурслари, лойиҳани иқтисодий асослари таҳлил қилинади.



16-расм. Электрон таълимни ташкиллаштиришда ишлатиладиган дастурий таъминотлар структураси

2-босқичда таҳлиллар натижасида амалга ошириладиган ишлар кўлами ва техник топшириқ лойиҳалаштирилади.

3-босқичда эса танланган масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий мажмуаа тегишли серверда ўрнатилади, тизимга тегишли домен танланади. Масофавий таълим жараёнини бошқарувчи дастурий мажмуасидан фойдаланиш ва унга техник кўллаб қувватлошли ишчи ходимларни ўргатиш бўйича ўқув машғулотлар ташкиллаштирилади.

4-босқичда масофавий таълим жараёнининг асосий элементларидан бири бўлмиш ўқув контентлар ўқув бўлими ва соҳа мутахасислари билан ҳамкорликда яратилади. Яратилган ўқув контентлар эксперталар томонидан текширилади.

5-босқичда масофавий таълим жараёни ишга туширилади. Таълим жараёнида ўқув жараёни доимий назоратда бўлиб туради. Тизимдаги ҳавфсизлик чоралари мониторинг қилиб борилади.

6-босқичда юқорида келтирилган босқичларда мавжуд бўлган камчиликлар тўғриланади, янги ўқув курслар яратилади, техник имкониятлар кенгайтирилади, тизимнинг ривожланишига тегишли бўлган ишлар кўлами бажарилади.

2.2. LMS тизимлари таҳлили.

LMS тизимларининг асосий функциялари

LMS/LCMS тизимлари электрон таълимни (масофавий таълим жараёнини) ташкил этишнинг асосий функцияларини ўз ичига олади. Бундай функцияларга:

- фойдаланувчиларни рўйхатга олиш ёки ўқув курслардан четлаштириш;
- ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш муҳитини яратиш;
- ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ўзаро индивидуал ёки гурӯҳ бўлиб ҳамкорликда ишлашини ташкил этиш, гурӯҳлар яратиш ва уларни бошқариш;
- оралиқ, жорий ва якуний назоратларни ташкиллаштириш ва электрон назорат ва тест турларини яратиш, ҳар-хил турдаги ижтимоий сўровлар ташкиллаштириш, ўқувчиларнинг билим даражасини мониторинг қилиш;
- сертификат ва дипломлар бериш;
- электрон ахборот ресурсларини (электрон кутубхоналарни) ташкиллаштириш, электрон ўқув ресурсларини алмашиш;
- тизим фойдаланувчиларининг тизимга қачон, қанча вақт давомида ўқув контентлар билан танишганлиги, қайси IP адрес орқали (қайси давлатдан) киргандигини, қайси браузер ва қайси операцион тизим орқали киргандиги, тизимда мавжуд фойдаланувчиларнинг активлигини маҳсус графиклар орқали мониторинг қилиш;
- ўқитувчи(тьютор) томонидан Authoring toolsларда электрон ўқув ресурсларни яратиш, SCORM, TinCan ёки бошқа стандартлар асосида яратилган электрон ўқув ресурсларини юклаш;
- ўқувчиларнинг ўқитувчи билан ва ўзаро мулоқотини ташкиллаштириш, ўқув жараёнида бўладиган янгиликларни барча фойдаланувчиларга оммавий хабар юбориб турувчи модуллар орқали жунатиш, иқтисодий ва маркетингга оид операцияларни бошқаришва бошқа имкониятларни санаб ўтиш мумкин.

LMS тизимларининг таҳлили. Кўйида маосафавий таълим жараёнини ташкиллаштириш имкониятини берувчи эркин ва очиқ кодли LMS дастурий мажмуналарнинг номлари ва уларнинг асосий имкониятлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Atutor- очиқ кодли, веб муҳитида таълим жараёнини бошқарувчи LMS тизими ҳисобланади. Тизимда мавжуд ўқитиши модуллари: **Forums, Materials, Messenger, Chat, Exercises, Group work, Student tracking** ва бошқа модуллари мавжуд. Тизим бир нечта стандартларни қўллаб қувватлаганлиги сабабли, интернет орқали жисмоний нуқсонга эгабўлган ўқувчи-талабалар тизим орқали ўқув ресурслардан фойдаланишлари мумкин. Хусусан, **кўзи ожиз** талабалар маҳсус веб иловалар орқали тизимга боғланган ҳолда ўқув контентдаги сўзларни аудио форматга ўтказиб тинглаши мумкин. Ўқув модулини ёзиш вақтида Atutor дастурий мажмуасининг барқарор версияси – 2.1.1. Тизимнинг шахсий сайтида 20 дан ортиқ ҳар ҳил модуллар мавжуд. Тизим қўллаб қувватлайдиган стандартлар сони кўп бўлиб, бошқа LMS тизимлардан айнан шуниси билан фарқ қиласи. Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://atutor.ca/atutor/>

The screenshot displays the Atutor LMS interface. At the top, there's a navigation bar with links for 'My Start Page', 'Jump', 'Inbox', 'Search', and 'Help'. A colorful pencil icon is on the right. Below the bar, the title 'Administrator Training' is shown, along with 'Home', 'Forums', 'Glossary', and 'File Storage' buttons. A user profile for 'alan vaughan' is at the top right.

Content Navigation (left sidebar):

- Home
 - 1 Welcome to LABLynx ELab...
 - 2 System Administration
 - 3 Scheduling
 - 4 Forensics Setup
 - 5 LIMS Setup
 - 6 Contact Relationship Man...
 - 7 Inventory
 - 8 Enterprise Content Manag...
 - 9 Instrument Management
 - 10 Configuration Management
 - 11 Ad Hoc Views and Queries

Related Topics: None Found.

Users Online: Alan Vaughan. Guests are not listed.

Glossary: N/A

Search: Match: All words (radio button), Any word (radio button). Search button.

Polls

Home (main content area):

- Forums (pin icon)
- File Storage (server icon)
- Glossary (book icon)
- Chat (speech bubble icon)
- TILE Repository Search (magnifying glass icon)
- Frequently Asked Questions (FAQ) (question mark icon)
- Links (link icon)
- Tests & Surveys (document icon)
- Site-map (map icon)
- Export Content (document icon)
- My Tracker (footprint icon)
- Directory (file folder icon)
- Groups (people icon)
- Reading List (books icon)
- Blogs (notebook icon)

Announcements: Welcome To ATutor. This is a welcome announcement. You can access additional help by using the Help link available throughout ATutor.

17-расм. Atutor тизимининг умумий интерфейси

Claroline – Эркин ва очиқ кодли, масофавий ўкув курсларни ташкиллаштиришга имкон берувчи Webga ориентацияланган дасурий мажмуа хисобланади. Тизим Лувенадаги (Бельгия) католик университетининг педагогика ва мультимедиа институтида яратилган. Дастурый мажмуудан фойдаланиш GNU (General Public License) асосида амалга оширилади яъни **бепул фойдаланиш мумкин**. Тизим ишлаши учун серверда PHP/MySQL/Apache ларни ўрнатилиши талаб қилинади. Windows 98 ва NT, Mandrake Linux8.1 муҳитига ўрнатилган EasyPHP тизимда тизим тестдан ўтказилган. Claroline дастурый мажмуусидан 80дан ортиқ давлатларда фойдаланишади ва **30 дан ортиқ тилларга** (дастур интерфейси) таржима қилинган. Тизим 2000 дан ортиқ талабаларни бир вақтнинг ўзида қабул қилиши мумкин. Claroline дастурый мажмууси масофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш учун талаб қилинадиган барча талабларга жавоб беради хусусан:

- фойдаланувчиларни руйхатдан ўтказиш;
- тизимда фойдаланувчиларнинг ролларини администратор томонидан белгилаш;
- ўкув курсларни яратиш, уларнинг таркибини таҳирлаш;
- талабалар билимини назорат қилиш, мониторинг олиб бориш, назорат натижаларини таҳлил қилиш;

- тизим ичида фойдаланувчилар ўртасида коммуникация элементларидан фойдаланиш ва бошқариш имкониятини беради.

Claroline 1.8.3

Florence Ortmans : My course list | My calendar | My User Account | Platform Administration | Logout

▶ Global warming
GW - Florence Ortmans
Claroline 1.8.3 Demo > GW

Course Home View mode : Student | Course manager

Механическая работа

Работа переменной силы

[A]=[H] [m]=[Дж]

Пусть к частице, массой m , приложена сила \vec{F} , частица за время dt совершила перемещение $d\vec{r}$

$$d\vec{S} = d\vec{r}$$

$$dA = \vec{F} d\vec{S}$$

$$dA = F dS \cos \alpha = F_S dS = F dS_F$$

где $\varphi = (\vec{a}, \vec{b})$

Обратите внимание: т.к. dS величина $\rightarrow 0$, то можно считать, что на перемещение dS сила $\vec{F} = \text{const}$

05.01.2010 Copyright 2009 /vkhamedov@gmail.com/ Хамидов В. С. ТУИТ © 2009

18-расм. Claroline тизимиининг умумий интерфейси

Тизимда бошқа LMSлар сингари кўплаб ўқитиш модуллари мавжуд, масалан: **Forums, Materials, Messenger, Chat, Exercises, Group work , Student tracking, Календар, Вики** ва бошқа модуллар мавжуд. IMS ва SCORM стандартларни қўллаб кувватлайди. Claroline дастурний мажмуасининг имкониятларидан **демонстрация** режимида фойдаланиб кўриш мумкин, бунинг учун <http://demo.claroline.net/> ҳаволасига мурожат қилиб, тизимга ҳар хил ролларда (администратор, фан ўқитувчиси, ўқувчи) кириб тизимнинг имкониятлари билан танишиб чиқиши мумкин. Ўқув модулини ёзиш вақтида тизимнинг барқарор версияси – Claroline 1.11.8.


Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.claroline.net>

Dokeos - Clarolineнинг 1.4.2 версиясидан ажралиб чиқсан янги дастурний мажмуя хисобланади.

Dokeos Claroline платформаси таълим муассасалари учун яратилган Clarolineдан фарқли равища давлат корхоналарининг ишчи ходимларига ҳам мослаштирилган.

Dokeos дастурний мажмуасининг расмий Web сайтига кирилганда, у ерда дастурнинг **Dokeos FREE**, яъни бепул версиясини кўчириб олиш таклиф этилади. Бу версияда таълим жараёнини ташкиллаштириш учун зарур бўлган барча ўқув модуллари мавжуд.

Тизимнинг имкониятларини ва ундаги мавжуд ўқув элементлари кўйидагисхемада кўрсатилган.




19-расм. Dokeos дастурий мажмуасида мавжуд элементларнинг умумий кўриниши

Расмдан кўриниб турганидек, тизимдаги мавжуд ўқитиш модулларидан таълим муассасаларида ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳозирги вақтда LMS ларининг кўпчилиги ижтимоий тармоқларга мослаштироқда. Dokeos дастурий мажмууси **SCORM** стандартини қўллаб қувватлади ва бошқа LMS тизимларига ўкув курсларини экспорт/импорт қилишга имкон беради. Dokeos дастурий мажмуасининг ўкув модулини ёзиш вақтидаги охирги барқарор версияси Dokeos 2.2 RC2.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.dokeos.com>

LAMS – IMS Learning Design стандарти асосида JAVA дастурлаш тилида 2003-йилда яратилган.

Кросс-платформали, дастур интерфейси 32 тилга таржима қилинган, ундан GPLv2 асосида бепул фойдаланиш мумкин. LAMS дастурий мажмуасининг бошқа LMS лардан фарқи шундаки, у **ўқитувчиларга ўкув жараёнини структуралашда** визуал воситалардан фойдаланиш имконини беради, бу воситалар ўкув жараёнида ўкув ресурсларини (электрон ўкув ресурсларни, чат, сўровномалар, топшириқлар) ва назорат турларини қандай кетма-кетлиқда бўлишлигини визуал кўринишини таъминлайди. Бунда ўқитувчи “синчқонча” орқали бу кетма-кетликларни ҳеч қандай қийинчиликсиз жойларини ўзгартириши мумкин бўлади.



20-расм. LAMS дастурий мажмуасининг умумий кўриниши

LAMS – электрон ўкув ресурсини визуал равища ўкув контентларни ўзгартириш, бошқариш ва яратишдаги имкониятларининг мавжудлиги сабабли, **янги илова ҳисобланади**. Интерфейси тушунарли тарзда тақдим қилинган. Бу интерфейс ҳар-хил индивидуал вазифаларни, гурӯхли ўқитишида фронтал вазифаларни беришини ўз ичига олади. Ўкув модулини ёзиш вақтидаги тизимнинг барқарор версияси – 2.4.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://lamsfoundation.org/>

Moodle – Web мұхитида ўқитиши және on-line режимдеги дарсларни ташкил қылувчи кучли педагогик дастурий мажмуда ҳисобланади. Тизимде **Forums, Materials, Messenger, Chat, Exercises, Group work , Student tracking** вакўплаб бошқамодуллармавжуд. IMS, SCORM вабошқастандартларниң үллабқувватлайди. Бошқа LMS тизимларга қараганда энг кўп қўшимча плагин ва модуллари мавжуд бўлган дастурий мажмуда ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда дунёning кўп давлатларининг ўкув муассасаларида масофавий таълим жараёнини айнан Moodle дастурий мажмуасидан фойдаланган ҳолда ташкиллаштирилмоқда. Яқин йиллар ичиде Ўзбекистонда масофавий ўқитишининг иккиласи моделига ўтиш режалаштирилмоқда. Маълумот сифатида айтадиган бўлсак, бирламчи моделда ўқитиши факат масофадан ташкил этилади. Иккиласи моделида эса, кундузги талабалар қисман кундузги ва қисман масофали дастур асосида ўқитилади ва уларнинг ҳар иккаласида ҳам дарс жадваллари, ўқитиши дастурлари, имтиҳонлари ва баҳолаш мезонлари бир хил бўлади. Булардан ташқари масофали ўқитишининг консорсиум, франчайзинг, валидация, лойиҳалар каби бошқа турлари ҳам мавжуд. Бундай масофавий ўқитиши модели учун Moodle дастурий мажмууси жуда қулай ҳисобланади.

Moodle - Modular Object-Oriented Dynamic Learning Environment сўзларининг қисқартмасидан олинганатама бўлиб, модулли обьектга йўналтирилган динамик ўкув платформаси деган маънени англатади. Тизим анъанавий масофали курсларни ташкил қилиш ва кундузги таълимни ривожлантиришга мўлжалланган бўлиб, унинг асосини ўқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқотни уйғунлаштириш фалсафаси (ижтимоий конструкционизм тамоили) ташкил қиласи. Moodle тизимининг ғоявий асосини Мартин Даужиамас томонидан илгари сурилган "ижтимоий конструкционизм" деб номланган қўйидаги 5 та тамоил ташкил этади:

1. Таълим мұхитида биз барчамиз бир вақтнинг ўзида ўқитувчи ва ўқувчимиз.
2. Биз бирор нарсани яратиб ва уни бошқаларга тушинириб берсак яхшироқ ўрганамиз.
3. Таълим жараённан бошқаларнинг фаолиятини кузатиш катта таъсир кўрсатади.
4. Ўқувчиларни тушиниш улар билан янада яқинроқ бўлиб, имкони борича якка тартибда ўқитишига ёрдам беради.
5. Таълим мұхити мослашувчан ва содда бўлиши керак.

Бу 5 та тамоилдан фойдаланган ҳолда ўкув мұхитини яратиш учун турли шаклдаги интерфаол ўкув материалларини тайёрлаш зарур бўлади. Хусусан, назорат қилувчи ва ўргатувчи интерфаол iSpring-testlarMoodle тизимининг энг зарур ва эътиборни ўзига тортувчи элементи бўлиши, шубҳасиз.

Moodle бўйича статистика(13.08.2013 гача бўлган маълумотлар)

Рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар сони	86277
Давлатлар	237
Курслар	7802594
Фойдаланувчилар	73052135
Ўқитувчилар	1297013
Ўқувчилар контингенти	76154065
Ресурслар	69440017

Moodle Demonstration Site

Вы не прошли идентификацию ([Вход](#))
Русский (ru)

Moodle Demonstration Site

Welcome! This site is for you to try using the most recent stable released version of Moodle and to explore some courses which demonstrate a few of Moodle's many features.

Here are some demo accounts for you to use:

- Admin - username `admin`, password `FunMoodling!`
- Teacher - username `teacher`, password `FunMoodling!`
- Student - username `student`, password `FunMoodling!`

The database and files are erased and restored to [a clean state every hour on the hour](#), so don't worry if you make a mess.

Also note that you might not be the only person using one of the demo accounts at the same time, so you may see unexpected things happen occasionally.



Вход

Логин
Пароль

[Создать учетную запись](#)
[Забыли пароль?](#)

Пользователи на сайте (последние 5 минут)
 Sam Student
 Гость
 Oscar Javier Bachiller Sandoval

Demo courses needed! Would you like to donate a demo course for use on this site, or translate the [Moodle Features Demo](#) course into your language? If so, see [Moodle demo courses](#).

Moodle Announcements

moodle
Moodle 1.9.8 and Moodle 1.8.12 have been released
Moodle books available in various languages
Teaching and Learning with Moodle
Moodle in healthcare
Cool Course Competition prizewinners

21-расм. Moodle дастурий мажмуасининг умумий кўриниши

Шунингдек, Ўзбекистондаги баъзи таълим муассасларида виртуал таълим муҳити сифатида айнан Moodle дастурий мажмуасидан фойдаланиб келинмоқда. Хусусан, Тошкент ахборот технологиялари университетининг виртуал таълим муҳити - etuit.uz, ТАТУ физика кафедраси my.estudy.uz (бу ерда Moodle тизимига қўшимча плагин яратилган бўлиб, бу плагин ўқув контентларни маҳсус алгоритм асосида ўқувчининг бошлангич ва жорий билим даражасидан келиб чиқсан ҳолда ўқувчининг шахсий ўқув траекториясини шакллантириб бериш имкониятига эга), Ўзбекистон Миллий университетининг “Очиқ ўқув-ахборот марказида”, Ҳалқ таълим вазирлиги қошидаги “Мултимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази”- <http://moodle.uzedu.uz/>, Тошкент Турин Политехника

университетида - moodle.polito.uz ва бошқа муассасаларда Moodle дастурий мажмуасиданкенг фойдаланиб келинмоқда.

Очиқ кодли Moodle дастурий мажмуаси ўкув жараёнини бошқарувчи Web га йўналтирилган маҳсус тизим бўлиб, интернет тармоғида фойдаланишга мўлжалланилган. Тизимни яратишда очиқ кодли дастурий таъминотлардан фойдаланилган. Уни ишлатиш учун маълумотлар омборини бошқариш дастури (MySQL ёки PostgreSQL), PHP процессори, Web хизмати дастур (Apache ёки IIS) лари созланган сервер зарур. Оперцион тизим сифатида ихтиёрий кенг тарқалган тизимлардан биридан фойдаланиш мумкин (Windows, Linux, Mac OS X, Novell Netware). Ўкув модули ёзилаётган вақтда тизимнинг барқарор версияси – moodle 2.5.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.moodle.org>



22-расм. Портал иш жараёниниг схематик кўриниши

Ушбу мажмуанинг асосий вазифаси профессор-ўқитувчи ҳамда талаба ўртасидаги турли хил электрон ресурслар алмашиниш, мажмуага вазифа ва масалаларни жойлаштириш орқали таълим бериш самарасини ошириш ҳисобланади. Тизимда глобал администратор, ОТМ администратори, профессор-ўқитувчи, талаба роллари орқали фойдаланиши мумкин.

OLAT (Online Learning And Training) – тизимини ишлаб чиқариш 1999-йил Цюрих университетида яратила бошланган, 2004 йилдан бошлаб дастур очиқ кодликка ўтган. Ҳозирга келиб тизимдан 50 000 га яқин фойдалувчи ва 50 га яқин ташкилот фойдаланиб келмоқда. Бошқа LMS лар сингари IMS (IMS Content Packaging, IMS QTI) ва SCORM стандартларни қўллаб кувватлайди. OLAT дастурий мажмуасида мавжуд ўкув модуллари кўйидагилар: Content managing, Forums, File discussions, Quizzes with different kinds of questions, Wikis, Blogs, Podcast, Surveys, Chat ва бошқа модуллари мавжуд. Ундан Apache License 2.0 асосида фойдаланиш мумкин. OLAT ни

ишлатиш учун талаб этиладиган дастурий мажмуалар: Java SDK, Tomcat Servlet Engine, маълумотлар омборидан MySQL ёки PostgreSQL.

OLAT дастурий мажмуасининг ишлаш имконияти билан тизимга ҳар хил фойдаланувчи (администратор, ўқитувчи, ўқувчи) ролида кириб <http://demo.olat.org/> ҳаволага мурожат қилган ҳолда танишиб чиқиш мумкин. Ўқув модули ёзилаётган вақтда тизимнинг барқарор версияси – OLAT 7.7.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.olat.org>

eFront - дастурий мажмуаси Unix, Linux, FreeBSD, Windows, Mac OS X, Netware ва бошқа РНРни қўллаб-куватловчи операцион тизимларда ишлайди. Маълумотлар базаси сифатида MySQL ва PostgreSQL лардан фойдаланиш мумкин. Бошқа LMS лар сингари IMS ва SCORM стандартларни қўллаб қувватлайди. Тизим 30дан ортиқ тилга таржима қилинган, шу қаторида ўзбек тилидаги таржимаси ҳам мавжуд. Сайтга кирилганда eFront нинг бир неча версиясидан фойдаланиш таклиф этилади, булар – Editions, Enterprise, Educational ва Open-sourcelар. Буларнинг фарқини билиш учун ушбу ҳаволага мурожжат этиш мумкин: <http://www.efrontlearning.net/functionality-matrix>. Буларнинг охиргиси (Open-source) дан бепул фойдаланиш мумкин. Лекин eFront дастурий мажмуасининг Open-source версияси масофавий таълим жараёнини ташкиллаштиришингиз учун етарли ҳисобланади. Ўқув модули ёзилаётган вақтдаги барқарор версияси eFront (Open-source) – v3.6.13.2.

eFront дастурий мажмуаси асосида Тошкент ахборот технологиялар университетининг физика кафедраси қошидаги “Мультимедиали ўқитиш маркази” томонидан <http://my.estudy.uz> масофавий ўқув курслари физика фани бўйича яратилган ва хозирги вақтгача ишлаб келмоқда.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.efrontlearning.net/>



23-расм. eFront дастурий мажмуаси

Chamilo –очиқ кодли масофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш имкониятини берувчи Webga ориентацияланган дастурий мажмуа ҳисобланади. Chamilo лойиҳаси 18 январь 2010 йилдан бошлаб ривожланиб келмоқда. Ўқув модули ёзилаётган вақтда Chamilo дастурий мажмуасининг барқарор версияси – 1.9.6.



24-расм. Chamilo дастурий мажмуаси интерфейсининг умумий кўриниши

Chamilo дастурий мажмуаси бошқа LMS лар сингари IMS (IMS Content Packaging, IMS QTI) ва SCORM стандартларини қўллаб қувватлади. Тизим кроссплатформали ҳисобланиб, барча операцион тизимларда ишлайди. GPLv3 лицензияси асосида иш юритади.

Тизимнинг расмий сайтида келтирилган маълумотга кўра ҳозирда 250 000 дан ортиқ талаба бу тизим орқали таълим олиб келишмоқда. <https://campus.chamilo.org/index.php?language=russian> ҳаволаси орқали тизимнинг имкониятларини реал равишда администратор, ўқитувчи(тыютор) ва ўқувчи ролларида бўлиб, танишиб чиқиши мумкин.

Масофавий ўқув жараёнини бу тизим орқали хеч қандай қийинчиликсиз ташкиллаштириш мумкин. Тизимдан давлат ташкилотлари ўзларининг ишчи ходимларини аттестациядан ўтказишида ҳам фойдаланишлари мумкин.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <https://chamilo.org>

ILIAS. Бу тизим ҳам эркин ва очиқ кодли масофавий таълим жараёнини бошқарувчи LMS тизими ҳисобланади. Дастурий мажмуа 1998 йилдан ва ҳозирги вақтгача ривожланиб келинмоқда. Бошқа тизимларда мавжуд бўлган ўқитиш модуллари бу тизимда ҳам бор: Forums, Materials,

Messenger, Chat, Exercises, Student tracking, Календар, Глоссари, Вики ва бошқа модуллари мавжуд. Ўқув модулини ёзиш вақтида ILIAS дастурий мажмua иниng барқарор версияси – 4.3.4.

The screenshot shows the ILIAS Information Center Personal Desktop interface. At the top, there's a header bar with the ILIAS logo, the title 'ILIAS Information Center', and a login status message 'Logged in as Alex Killing' with a 'Logout' button. Below the header is a navigation menu with links for 'Personal Desktop', 'Resources', 'Search', 'Mail', 'Administration', and 'Last Visited'. The main content area is titled 'Personal Desktop' and contains several sections:

- Internal News**: Shows one item: '1 - General Information about ILIAS'.
- ILIAS Forums**: Shows 15 items, including 'LT4eL Test Course', 'Working Group Usability', '090 - Roadmap and Releases', etc.
- Personal Items**: Shows various system-related items like 'User Documentation for ILIAS 3.7', 'LT4eL Test Course', and 'Exercice IFST 01'.
- Mail**: Shows 0 Mail(s).
- Notes**: Shows one item: 'Test Notiz'.
- Active Users**: Shows one user: 'Alex Killing [alex]'.

On the right side of the interface, there are buttons for 'Bookmarks', 'Web Feed', and 'Move Blocks'.


25-расм. ILIAS дастурий мажмуаси интерфейсининг умумий кўриниши

Тизим Apache, PHP, MySQL, XML ларга асосланган. SCORM стандартига тўлиқ жавоб беради. Тизимнинг бошқа тизимларга нисбатан авфзал томонларидан бири электрон назорат турларининг яхши йўлга кўйилганидадир.

Кўйидакўрсатилганэлектронназораттурлариниўзичигаолади: single choice, multiple choice, matching, fill-in-the-blanks, hot spots, flash, java applet вабошқ. Ўқувчиларнинголганнатижаларинитаҳлилқилишвасертификатлашимконияти ҳаммавжуд.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.ilias.de>

Open Elms – эркин ва очиқ кодлимасофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш имкониятини беради.



26-расм. Open Elms дастрий мажмууси интерфейсининг умумий күриши

Open Elms –GNU GPL лицензияси асосида фойдаланувчиларга фойдаланишлари учун тарқатилади.

Тизимнинг ўзи эркин ва очиқ кодли бўлганли бойис ҳам, дастурий мажмуани яратишда очиқ кодли дастурий таъминотлардан фойдаланилган. Уни ишлатиш учун маълумотлар омборини бошқариш дастури (MySQL ёки PostgreSQL), PHP процессори, Web хизмати дастур (Apache ёки IIS) лари созланган сервер зарур. Оперцион тизим сифатида ихтиёрий кенг тарқалган тизимлардан биридан фойдаланиш мумкин (Windows, Linux, Mac OS X, Novwell Netware).

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.openelms.org/>

Sakai – дунёнинг кўпгина таълим муассаларида кенг фойдаланиб келинаётган навбатдаги очиқ кодли GNU GPL лицензияси асосида эркин тарқатилувчи дастурий мажмуа ҳисобланади. Бошқа LMS тизимларидан фарқи шундаки тизим тўлиқ Java тилида ёзилган. Шу сабали тизим кроссплатформали ҳисобланади. Sakai дастур мажмуасининг ўзининг маълумотлар омбори мавжуд бўлиб, агар фойдаланувчилар сони кам бўлсатизимнинг ички маълумотлар омборидан фойдаланиш мумкин, агар фойдаланувчилар сони кўп бўлса, у ҳолда MySQL ёки Oracle маълумотлар омборида ишлаши мумкин. Ўқув модули ёзилаётган вақтда тизимнинг барқарор версия Sakai 2.9.2.

The screenshot shows the Sakai interface with the following details:

- Top Bar:** LocalSakaiName : AR Test 101 12... + Logout
- Main Navigation:** My Workspace (selected), AR Test 101 123 Spring ...
- Left Sidebar:**
 - Home (Icon: House)
 - Syllabus (Icon: Book)
 - Announcements (Icon: Document with exclamation)
 - Resources (Icon: Folder)
 - Assignments (Icon: Document with pencil)
 - Tests & Quizzes (Icon: Pencil)
 - Gradebook (Icon: Graph)
 - Drop Box (Icon: Document with arrow)
 - Chat Room (Icon: Chat bubble)
 - Wiki (Icon: Book with pencil)
 - Section Info (Icon: Group of people)
 - Site Info (Icon: Document with gear)
 - Forums (Icon: Chat bubble)
 - Glossary (Icon: Dictionary)
- Current Page:** Assignments (Icon: Document with pencil)
 - Assignment List:** Select an assignment to view details, start working or edit your previous work.
 - Viewing 1 - 2 of 2 items
 - Show 200 items... (with dropdown and arrows)
- Table:** Assignment List

Assignment title	Status	Open	Due
Essay #2	Not Started	Mar 13, 2011 12:00 pm	Apr 23, 2011 5:00 pm
Essay #1	Draft - In progress	Feb 16, 2011 12:00 pm	Mar 23, 2011 5:00 pm

27-расм. Sakai дастрий мажмуаси интерфейсининг умумий күриниши

Sakai дастур мажмуасида таълим жараёнини бошқариш учун қуидаги умумий модуллари мавжуд:

- Announcements (Эълонлар)- тизим фойдаланувчилариға тегишли эълонларни етказиш учун ҳизмат қилади;
- Drop Box (Файллар алмашинуви)- талабалар/ўқитувчилар ва ўқитувчилар/талабалар ўртасида (шахсий) хужжатлар алмашинувчини таъминлашга ҳизмат қилади;
- Email Archive (Электрон почта архиви)-бу модул орқали тизимдаги фойдаланувчиларнинг почта хабарлари тизимнинг архив почтасида сақланади;
- Resources (Ресурслар)- тизим ичидағи фойдаланувчилар ўзларининг ўқув ресурсларини сақлашлари ва уларни жамоага эълон қилиш имконияти;
- Chat Room – on line равища тизим ичидағи фойдаланувчилар ўртасида алоқани ўрнатиш муҳити;
- Forums (Форум)- бирор бир мавзу бўйича дискуция мавзуларни очиш мумкин. On-line мулоқатдаги чатдан фарқли равища бу модул орқали off line равища муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш мумкин;
- Message Center (Хабарлар маркази)- тизим фойдаланувчилари ўртасида ички хабарлар алмашиш модули;
- News / RSS- RSS динамик янгиликларини ўзингизнинг компьютерингизга экспорт қилиш имконияти;
- Poll tool (Сўровлар ўтказиш) – тизим ичидаги ҳар хил сўровлар ўтказиш имконияти;

- Presentation (Презентация) – бир вақтнинг ичида бир неча фойдаланувчилар учун файлларни тақдимот қилиш имкониятини берувчи модул;
- Profile / Roster – тизимда мавжуд фойдаланувчиларнинг шахсий профиллари билан ишлаш модули;
- Repository Search- тизим ичидаги маълумотларни қидириш модули.

Ўқитувчиучунқуидаги ишчимодуллари (Teaching tools) мавжуд: Assignments, Grade book, Module Editor, QTI Authoring, QTI Assessment, Section Management, Syllabus.

Ўқувчиучунқуидаги ишчимодуллари (Portfolio tools) мавжуд: Forms, Evaluations, Glossary, Matrices, Layouts, Templates, Reports, Wizards, Search, Web Content, WebDAV, Wiki, Site Setup, MySakai, Widgets.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.sakaiproject.org>

eStudy.uz интеллектуал масофали таълим тизими

Масофали таълим тизимининг вазифаси – масофали ўкув курсларини яратишида эксперт томонидан ўкув курс траекториясини белгилаши, параметрларни киритиши ва ўқувчилар билимини баҳолашда адаптивлашган тестлар базасини яратиши шунингдек шакллантириши мумкин. eStudy.uz тизими ўқувчининг бошланғич билим даражасидан келиб чиқкан ҳолда ҳар бир ўқувчи учун индивидуал ўкув траекториясини шакллантириш имкониятини беради. Тизим орқали масофадан ўқитиш жараёнини ташкиллаштириш мумкин.



28-расм. eStudy.uz интеллектуал масофали таълим тизими интерфейси

Ўқув тизимининг афзалиги:

- тизимда турли фойдаланувчи ролларининг мавжудлиги (администратор, ўқитувчи, талаба ва меҳмон);
- фойдаланувчи учун қулай интерфейс;
- ўқувчининг бошланғич билим даражасидан келиб чиқкан ҳолда индивидуал ўкув траекториясини шакллантириб бериши;
- адаптив тестларни яратиш имкониятининг мавжудлиги;
- ўқувчининг натижаларини маълумотлар базасида сақлаши ва таҳлил, экспорт қилиш имконияти;

- Тизим орқали ихтиёри фандан масофали таълим жараёнини ташкиллаштириш имконияти;
- Видео конференциялар ташкиллаштириш имконияти;
- Интернет коммуникация элементларининг мавжудлиги (Чат, форум, ички маълумотлар алмасиш тизими);
- Кўйида кўрсатилган форматлар билан билан ҳам ишлаш имконияти:
- Graphics (JPEG, GIF, PNG)
- HTML
- Video (AVI, MPEG)
- Adobe FLASH
- Adobe PDF
- MS Office (DOC, PPS)
- Техниктаъминотганималталаблар.

Тизимнингҳажми

тизимгакиритилган ўқувкурсларнингҳажмидан келибчиқанхолдааниқланади

Ўқув тизимининг нормал ишлаши учун компьютерга қўйиладиган талаблар:

- Доимий хотирада камидаги 1 ГБ бўш жойининг маждуд бўлиши;
- Камида 125 Мб оператив хотира;
- операцион системалар: Windows ёки Linux;
- PostgreSQL, Microsoft SQL Server;
- Appliaction Server: Apache, Интерпретатор-PHP.

Ҳозирда ТАТУ (Тошкент ахборот технологиялари университети)нинг физика кафедраси томонидан Estudy.uz (бета версияси) тизими яратилган бўлиб, бу платформада физикани масофали ўқитиш йўлга қўйилган. Тизим юқорида кўрсатилган тизимлардан фарқ қиласи, айнан ҳозир бу тизимда тестлаш жараёни олиб борилмоқда.

2.3. Соҳага оид оммавий онлайн очиқ курслар

Оммавий онлайн очиқ курслари (ОООК) бутун дунёда Massive Open On-line Courses (МООС) деб юритилади⁶.

Оммавий (Massive) сўзи катта аудиторияни ўз ичига олишини билдиради. Оммавий сўзи тизимда талabalар ўзаро чексиз мулоқот қилишлари мумкинлигини ҳам билдиради.

Очиқ (Open) деб аталишига сабаб бу тизимдан эркин, очиқ фойдаланиш мумкинлигидир. Баъзи тижорат фирмалари фақат пуллик тизимда фаолият юритса ҳам, лекин кўпчилик маълумотлар ва ўқув жараёнларини бепул ташкил қилиш имконияти ҳам мавжуд.

Онлайн (On-line) дейилиши ўз-ўзидан аниқ, чунки барча жараёнлар интернет тармоғида реал вақтда амалга оширилади. Тизимни компьютерга кўчириб, автоном тарзда ишлаб бўлмайди.

Курс (Courses) сўзи ахборотлар маълум бир йўналиш бўйича жамланганлигини, улар энг замонавий усулда педагогика ва компьютер

⁶ R.McGreal, W.Kinuthia, S.Marshall. Open Educational Resources: Innovation, Research and Practice. Commonwealth of Learning and Athabasca University, Vancouver, 2013. pp. 6-49

технологиялари ютуқларидан фойдаланиб ташкил этилганлигини англаади.


ОООК ўз ривожланиш тарихида қуидаги форматларда амалиётта жорий этилган: xMOOCs, cMOOCs и quasi-MOOCs.

xMOOCs формати анъанавий университет моделига мос келади (Coursera, edX, Udacity). Бу формат 2011 йилда жорий этилган. Бун тизимда ўқитувчи жуда тажрибали бўлиши ва талаба билим истеъмолчиси сифатида ташкил қилинган. Маъruzалар 3-30 минутдан ошмайди. Ўқитувчи билан тўғри ва тескари мулоқот ташкил қилинмаган (баҳс-мунозаралардан ташқари). Coursera ва Udacity талабаларни кўпроқ жонли учрашувлар ўтказишга чорлайди.

cMOOCs формати педагогик мулоқот моделига асосланилган. Бунда билимлар тизимида тармоқдаги жараён, тармоқни ташкил қилиш, маълумот қўшиш, олиш ва чиқиши фаолиятлари сифатида қаралади. Ҳар бир талаба ўзича технологияни танлайди, унга инфраструктурани ташкил қилишда администраторлар ёрдам беришади.


quasi-MOOCs формати тармоқдаги ўқитиши дастурлари сифатида жорий этилган (Khan academy, OpenCourseWare MIT - OCW). Техник жиҳатдан олиб қараганда булар курслар эмас, балки маълум масалани ечишга йўналтирилган асинхон ресурслардир (масалан, алгебра бўйича масалани ечиш). Улардан баъзи хорижий олий ўқув юртларида кредитлар тўплашда фойдаланишади.

Қуидаги схемада ОООК моделларининг ривожланиши кўрсатилган.



29-расм. ОООК моделларининг ривожланиши

Интернет орқали ўқув материалларини бепул ва эркин тарқатишга мўлжалланган “Очиқ дарсҳона” (Open courseware) деб номланувчи электрон тизим бундан ўн йилча муқаддам МТИ томонидан ташкил этилган эди.



30-расм. Оммавий онлайн очиқ курсларда ташкиллаштирилган курсларнинг кўринишлари: а) жонли видеомаъзуза; б) моно-лекция; с) ёзма конспект асосида тушунтириш; д) мультимедиали интерфаол маъзуза.

Шундан сўнг юзлаб бошқа колледж ва университетлар ҳам ўкув материалларини интернетга барча учун бепул ва очиқ қўйиш амалиётини йўлга қўйди. Бугунга келиб МТИ ва Стенфорд университети ушбу амалиётни янги босқичга кўтаришга қарор қилди.

Улар энди нафақат курсда ўтиладиган материалларни, балки дарснинг ўзини ҳам бепул тақдим этишмоқда.

Стенфордда дастлаб “Сунъий интеллект фанига кириш” (Introduction to Artificial Intelligence) номли бепул “онлайн” курс ташкил этилган. Бу курсга дунёнинг 190 дан ортиқ мамлакатидан жами 160 мингдан зиёд талаба ёзилган. Кўнгиллилар ёрдамида курс материаллари қисқа муддат ичида дунёнинг 44 тилига таржима ҳам қилинган. Иштирокчиларнинг 23 минг нафари курс материалларини тўлиқ тамомлаб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган ҳамда ушбу курсни битирганлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлишган.

2012-йил Стенфорд университети яна бешта бепул “онлайн” курсларини ташкил этди. Уларда ўқиётган талабаларнинг сони ярим миллионга яқин.

Бу борада Массачусетстехнология институти ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Ўқув юрти ташаббуси билан интернет орқали бепул дарслар берадиган “MITx” номли янги нотижорат ташкилоти тузилди. “MITx” қошида очилган биринчи курс – “Схемалар ва Электроника” дарсида қатнашиш учун 100 мингдан зиёд талаба рўйхатдан ўтган. “MITx” интернет саҳифасида ёзилишича, рўйхатга ёзилганларнинг камида 20 минг нафари дарс машғулотларида тўлиқ ва фаол иштирок этишмоқда.

Принстон университети, Берклидаги Калифорния университети, Мичиган Ан-Арбор ҳамда Пенсильвания университетлари ҳам ҳамкорликда бепул “онлайн” курсларини ташкил этмоқда. Ушбу курслар “Coursera” деб номланган интернет сайтида жамланган. “Coursera”дан курсларни уларнинг

номлари ва йўналиши бўйича ёки уларни тақдим этаётган университетлар бўйича қидириб топиш мумкин.

Бепул дарсларни тақдим этувчи яна бир сайт “ Udacity ” бўлиб, у ҳам “Coursera” билан биргаликда Стенфорд университети мутахассислари томонидан бунёд этилган.

Дунёнинг нуфузли университетлари тақдим этаётган ушбу бепул “онлайн” курсларининг манзиллари:

Coursera.org – <https://www.coursera.org/>

EdX – <https://www.edx.org/>

Udemy – <https://www.udemy.com/>

LinguaLeo – <http://lingualeo.ru/>

busuu – <http://www.busuu.com/enc/>

TED – <http://www.ted.com>

Coursera. Расмий сайти: www.coursera.org

Ушбу инглиз тилидаги лойиха ҳар хил билимлар босқичи бўйича курс тизимларини ўтказадиган университетлар билан ҳамкорлик қиласди. Тингловчилар фақатгина курсларни ўқибгина қолмасдан, курсдошлари билан гаплаша оладилар, Coursera ОООК тестлар ва имтиҳонлар топширадилар (31-расм).

Khan академияси. Расмий сайти: <https://www.khanacademy.org>

МИТ ва Гарвардни битирган қобилиятли талаба Салманхан бошка шаҳарда яшайдиган кичкина амакивачасига математика фанидан ёрдам бериш учун «YouTube» сайтига видеодарсларни жойлаштиргач, бу сайт тезда оммалашиб, машҳур бўлиб кетган. Энди Khan академияси сайтида ҳар хил мавзудаги 42000 дан ортиқ бепул микромаърузалар бор. Улардан кўпчилиги рус тилида ҳам мавжуд.

The screenshot shows the Coursera homepage with a search bar at the top. Below it, there's a sidebar with filters for course requirements, providers, certificates, and specialties. The main area displays a grid of course cards. Each card includes the provider's logo, course title, description, start date, duration, and a 'Specialties' button. The courses listed are from Johns Hopkins University, Peking University, and Professor Chen Xiangqun.

Категория	Количество
По требованию	68
Предлагающие	249
Подтверждённые сертификаты	110
Специальность	110
<input checked="" type="checkbox"/> Все категории	51
Искусство	121
Биология и науки о жизни	160
Химия	30
Компьютерные технологии: искусственный интеллект	44
Компьютерные науки: разработка программного обеспечения	72
Компьютерные технологии: системы и безопасность	41
Компьютерные науки: теория	57

Курсы
 Университет Джонса Хопкинса Набор инструментальных средств для специалистов по обработке данных с Jeff Leek, PhD, Roger D. Peng, PhD & Brian Caffo, PhD  Университет Джонса Хопкинса Программирование на языке R с Roger D. Peng, PhD, Jeff Leek, PhD & Brian Caffo, PhD  Пекинский университет 操作系统原理 (Операционные системы) с Professor Chen Xiangqun  Пекинский университет 算法设计与分析 Дизайн и анализ алгоритмов с Wanling Qu

31-расм. Coursera сайтининг умумий интерфейси

EdX таълим платформаси (32-расм). Уни Гарвард Университети ҳамда Массачусетстехнология институти биргаликда “барча ёшдагилар ва турли миллат вакиллари учун текин, интернет орқали интерфаол таълим олишлари учун” нотижорий ташкилот сифатида ташкил қилишган.

EdX да инглиз тилида Гарвард Университети, МИТ ва яна Беркелей Калифорния Университетларида (ҳамда 2013-йилдан Техас Университети ҳам қўшилган) ўргатиладиган курслардан билим олиш мумкин.

Ҳозирча маскур EdX платформасида кимё, тиббиёт, информатика, физикага оид курслар қўйилган.

Intuit. Расмий сайти: www.intuit.ru

Олий таълим ва иккинчи олий таълимни олиш имконияти мавжуд бўлган, шунингдек, профессионал қайта тайёрлаш ва малакани ошириш имкониятларини тақдим қила оладиган йирик Россия интернет-университетидир.

Тўлиқ ўқиш пуллик, аммо интуит сайтида турли соҳадаги: информатика, физика, математика, иқтисодиёт ва фалсафа бўйича 500 дан ортиқ курсларни бепул ўқиш мумкин. Ҳозирги кунда кўпгина курслар видео дарслар шаклида ҳам берилмоқда. Таълим курсларини тугатиб бепул электрон сертификат олиш имконияти ҳам мавжуд.



32-расм. EdX таълим платформаси интерфейсининг умумий қўриниши

Яндекс мактаби. Расмий сайти: <https://yandexdataschool.ru/edu-process/courses>

Унда Яндекс маълумотлар ташхиси мактаби маъruzalari жойлаштирилган. Унинг асосий мақсади айнан Яндекс учун, шунингдек, АҚТ соҳасида маълумотларни ташхис қилиш ва қайта ишлаш ҳамда интернетдан маълумотларни олиш бўйича малакали мутахassislarни тарбиялашdir.

Озиқ-овқат технологияси йўналиши фанлари бўйича дунёдаги энг машҳур Stanford, Yale, MIT, Harvard, Berkeley, Oxford ва бошқа шу каби

университетлар сайтларидан аудио- ва видео-курсларни текинга юклаб олиш мүмкин.

Инглиз тилида маълумотлар базаси жуда кенг бўлиб, фан соҳалари бўйича тақсимлаб келтирилган. Масалан:

- Съедобное образование. 103 с Майклом Полланом – [Free iTunes Video – Free Online Video](#) – [Free Online Video 2 – Michael Pollan](#), UC Berkeley
- Производство продуктов питания, здравоохранение и окружающая среда– [Free Online Videos & Materials](#) – Bob Lawrence and Polly Walker, Johns Hopkins
 - Наука и кулинария: от изысканной кухни до вопроса о мягкой материи – [Free Online Video – Free iTunes Video – Course Info](#) – Team taught, Harvard
 - Биохимия 1 – [Free Online Video – Free Video Download](#) – S. Dasgupta, IIT
 - Химическая структура и реактивность – [Free Online Video – Free iTunes Video – Web](#) – [Peter Vollhardt](#), UC Berkeley
 - Основные понятия химии – [Free iTunes iOS Course](#) – [Stephen L. Craig](#) – Duke
 - Новая органическая химия – [Free Online Video – Free iTunes Audio – Free iTunes Video – Course Materials](#) – [J. Michael McBride](#), Yale
 - Новая органическая химия II – [Free Online Video – Free iTunes Audio – Course Materials](#) – [J. Michael McBride](#), Yale
 - Зеленая химия: междисциплинарный подход к стойчивому развитию – [Free Online Video – Free Online Vide/Audio + Course materials](#) – [John Arnold](#), UC Berkeley
 - Введение в химию – [Free Web Course](#) – Carnegie Mellon
 - Органическая химия – [Free iTunes Video](#) – [James Nowick](#), UC Irvine
 - Органические реакции и фармацевтическая промышленность – [Free Online Video – Steven Hardinger](#), UCLA
 - Органическая спектроскопия – [Free iTunes Video](#) – [James Nowick](#), UC Irvine
 - Принципы химии, как науки – [Free Online Video](#) – MIT, [Catherine Drennan](#) and [Elizabeth Vogel Taylor](#)

Ушбу аудио- ва видео-курсларни iTunes, Youtebe дан ҳам юклаб олиш мүмкин.

Назорат саволлари:

1. Масофали ўқитишининг назарий ва дидактик асослари.
2. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари.
3. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари.
4. Эркин ва очиқ кодли таълим деганда нимани тушунасиз?
5. LMS тизимларининг асосий функциялари нимада?
6. Moodle тизимида ўқув жараёнини ташкиллаштириш қандай амалга ошади?
7. Оммавий онлайн очиқ курсларга мисоллар келтиринг.

8. Масофавий таълимнинг анъанавий таълимдан фарқи?
9. Масофавий ўқитишни ташкил қилиш муаммолари?
10. Озиқ-овқат технологияси бўйича очик таълим ресурсларига мисол келтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. R.McGreal, W.Kinuthia, S.Marshall. Open Educational Resources: Innovation, Research and Practice. Commonwealth of Learning and Athabasca University, Vancouver, 2013. pp. 6-49.
2. В.С.Хамидов, Д.А.Собирова. «Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари» модули бўйича ўкув–услубий мажмуа. Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази. Тошкент-2015 й. 64 б.
3. <https://www.udemy.com>
4. <https://www.coursera.org/>
5. <http://www.atutor.ca>
6. <http://www.olat.org/>
7. <http://www.dokeos.com>
8. <http://www.efrontlearning.net/>
9. <http://www.ilias.de/>
10. <http://www.dlearn.org/>
11. <http://lamsfoundation.org>
12. <http://www.sakaiproject.org>
13. <http://estudy.uz/>
14. <https://moodle.org>

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

1-амалий машғулот:Мультимедиа дастурлари имкониятларини ўрганиш.

Ишдан мақсад: Махсус фанлардан мультимедиа яратиш учун ўқитувчиларда дастурлар ҳақида тасаввурлар ҳосил қилиш ва мультимедиа дастурларининг (PowerPoint дастури iSpring, MS Excel, Macromedia Flash) имкониятларини ўргатиш.

Масаланинг кўйилиши: Тингловчи PowerPoint дастури iSpring иловасида интерфаол тестлар яратади олиши, MS Excel дастурида ўкув тренажёрлари яратиш кўникмасини эгаллаши, Macromedia Flash дастурида анимациялар яратиш имкониятига эга бўлиши керак.

Топшириқлар:

1. PowerPoint дастурининг iSpring Suite иловасини ишга туширинг.
2. iSpring Pro дастурининг онлайн тақдимотлар ва ўкув курслари яратиш, видео билан таъминлаш, интерактив элементларни яратиш усулларини ўрганинг.
3. iSpring QuizMaker дастурининг интерфаол тестлар, аудио- ва видео- файллар, расмлар ва формулаларни қўшиш усулларини ўрганинг.
4. iSpring Kinetiks дастурининг онлайн тақдимотлар учун мультимедиали интерфаол элементлар, электрон курслар ва веб-саҳифалар яратиш усулларини ўрганинг.
5. MS Excel дастурида вақт функцияларини (время, сегодня, день) ўрганинг;
6. MS Excel дастурида математик функцияларни (abs, cos, ln, log, sin, tan, знак, корень, мобр, нечёт, нод, нок, округл, округлверх, округлниз, округлт, остат, пи, произвед, служмежду, слчис, сумм, суммесли, суммкв, целое, чётн) ўрганинг;
7. MS Excel дастурида статистик функцияларни (макс, макса, мин, мина, наибольший, наименьший, срзнач, срзнача, срзначесли, сроткл, счёт, счёtesли, счёtz, считатпустоты) ўрганинг;
8. MS Excel дастурида мурожаат ва массивлар билан ишловчи



- функцияларни (адрес, впр, выбор, гиперссылка, гпр, двссыл, индекс, смеш, столбец, строка, трансп) ўрганинг;
9. MS Excel дастурида матнлар билан ишловчи функцияларни (длстр, заменить, значен, кодсимв, левсимв, найти, повтор, подставить, поиск, правсимв, прописн, пстр, сжпробелы, символ, строчн, сцепить, т, текст) ўрганинг;
 10. MS Excel дастурида мантикий функцияларни (если, еслиошибка, и, или, истина, ложь, не) ўрганинг;
 11. MS Excel дастурида хоссалар ва қийматларни текширувчи функцияларни (елогич, енд, енечёт, еош, еошибка, епусто, ессылка, ч, ячейка) ўрганинг;
 12. MS Excel дастурида хоссалар ва қийматларни текширувчи функцияларни (елогич, енд, енечёт, еош, еошибка, епусто, ессылка, ч, ячейка) ўрганинг;
 13. MS Excel дастурида "Данные/Проверка данных" меню бандида маълумотларни рўйхатлаштириш ва уларни танлаш имкониятини ўрганинг;
 14. MS Excel дастурида "Главное/Условное форматирование" меню бандида дастурий шартлардан келиб чиқиб маълумотларнинг форматини белгилаш имкониятини ўрганинг;
 15. MS Excel дастурида "Формулы/Диспетчер имен" меню бандида вараклар, массивлар ва ўзгарувчиларга ном бериш имкониятини ўрганинг;
 16. MS Excel дастурида "Данные/Получение внешних данных" меню бандида ташки манбалардан маълумотларни олиш имкониятини ўрганинг;
 17. MS Excel дастурида "Рецензирование/Защитит книгу", "Рецензирование/Защитит лист" меню бандларида китоб ва варакларни дастурий ҳимоялаш имкониятини ўрганинг;
 18. MS Excel дастурида "Вид/Закрепить области" меню бандида экраннинг бир қисмини харакатсиз ҳолатга келтириш имкониятини ўрганинг;
 19. MS Excel дастурида "Вид/Макросы" меню бандида VisualBasic дастури имкониятлари ёрдамида интерфаол навигация амалларини тадбиқ этиш имкониятини ўрганинг;
 20. Macromedia Flash (Adobe Flash) дастурининг анимацион ва ўкув тренажёрлари яратиш имкониятларини ўрганинг.

Ишни бажариш учун намуна

Топширик: MS Excel дастурида матнлар билан ишловчи функцияларни (длстр, заменить) ўрганинг.

"Длстр" командасини ўрганиш.

A1 ячейкага "=длстр(A2)" командасини киритамиз. Бунда командани киритиш бошланган заҳоти Excel нинг ёрдам хизмати ишга тушиб ячейканинг тагида маълумотлар рўйхати пайдо бўлади. Ундан расмда кўрсатилгандек, 2 марта чертиб зарур командани танлаймиз (4.1-а расм). Кейин В1 катакчасига "Технология" сўзини ёзиб Enter тугмачасини босамиз. Натижада A1 катакчада "технология" сўзининг узунлигини кўрсатувчи 10 рақами пайдо бўлади.

а)	б)
	

4.1-расм. Excel дастурида "=длстр(текст)" командасини киритиш:

- а) командани киритишда ёрдам хизматидан фойдаланиш; б) В1 катақчага технология сўзини ёзганда А1 катақчасида натижанинг кўриниши.

"Заменить" командасини ўрганиш.

В1 ячейкага "=длстр(А1)" командасини киритамиз. Кейин А1 катақчасига "Технологик жараёнлар" сўзини ёзиб Enter тугмачасини босамиз. Натижада В2 катақчада "Технологик жараёнлар" сўзининг узунлигини кўрсатувчи 20 рақами пайдо бўлади. Кейин А2 катақчага " ва қурилмалар" сўзини ёзамиз. В2 катақчага эса "=заменить(А1;18;3;А2)" командасини ёзамиз ва Enter тугмачасини босамиз (4.2-расм). Натижада А2 катақчасида "Технологик жараён ва қурилмалар" жумласи пайдо бўлади.

B2		=ЗАМЕНИТЬ(А1;18;3;А2)
A	B	
1 Технологик жараёнлар	20	
2 ва қурилмалар	Технологик жараён ва қурилмалар	
3		

4.2-расм. Excel дастурида "=заменить (старый_текст; нач_поз; число_знаков; новый_текст)" командасини киритиш.

Бу командани киритишдан мақсад – "Технологик жараёнлар" жумласидаги "лар" жумласини " ва қурилмалар" жумласига алмаштириб "Технологик жараён ва қурилмалар" жумласини ҳосил қилиш.

Командадаги параметрлар қуйидаги мазмунларни билдиради:

- старый_текст – А1 катақчасидаги "Технологик жараёнлар" матнини англатади;
- нач_поз – А1 катақчасидаги "Технологик жараёнлар" матнидаги алмаштириладиган охирги 3 та ҳарфнинг бошланиш ўрни, 18-позицияни англатади;
- число_знаков – "Технологик жараёнлар" жумласидаги алмаштириладиган "лар" жумласининг ҳажми, 3 та ҳарфи англатади;
- новый_текст – "лар" жумласи ўрнига алмаштириб қўйиладиган А2 катақчадаги матн, " ва қурилмалар" жумласини англатади.

Назорат саволлари:

1. PowerPoint дастурининг iSpring Suite иловасининг имкониятларини санаб беринг.
2. MS Excel дастурида вақт функцияларни сананг ва изоҳлаб беринг.
3. MS Excel дастурида математик функцияларни сананг ва изоҳлаб беринг.
4. MS Excel дастурида статистик функцияларни сананг ва изоҳлаб беринг.
5. MS Excel дастурида мурожаат ва массивлар билан ишловчи функцияларни сананг ва изоҳлаб беринг.
6. MS Excel дастурида матнлар билан ишловчи функцияларни сананг ва изоҳлаб беринг.
7. MS Excel дастурида мантиқий функцияларни сананг ва изоҳлаб беринг.
8. MS Excel дастурида "Рецензирование/Защитит книгу", "Рецензирование/Защитит лист" меню бандларида китоб ва варақларни дастурий ҳимоялаш имкониятини айтиб беринг.
9. MS Excel дастурида "Вид/Макросы" меню бандида VisualBasic дастури ёрдамида интерфаол навигация амалларини тадбиқ этиш имкониятини изоҳлаб беринг.
10. Macromedia Flash (Adobe Flash) дастурининг анимацион ва ўқув тренажёрлари яратиш имкониятларини айтиб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. E. Vera. Using Flash. San Francisco:- Macromedia, Inc. pp. 17-22, 48-58, 169-187.
2. <http://programmersclub.ru/alar-flash-lesson1/>
3. <http://www.ispring.ru/ispring-quizmaker>

2-амалий машғулот:Озиқ-овқат технологияси йўналиши фанлари бўйича анимациялар ва виртуал стенdlар яратиш.

Ишдан мақсад: Махсус фан ўқитувчиларда мультимедиа дастурлари билан ишлаш, мультимедиа сценарийси ишлаб чиқиш ва улар асосида анимациялар ва виртуал стенdlар яратиш кўникмаларини хосил қилиш.

Масаланинг қўйилиши: Махсус фан ўқитувчиси мультимедиа сценарийсини ишлаб чиқиш, сценарий асосида анимациялар яратиш кўникмаларини эгаллаши лозим.

Топшириқлар:

1. Ўқиётган махсус фанингиз бўйича маъруза матни учун анимация режасини ишлаб чиқинг. Бунинг учун берилган техник матн асосида мультимедиа сценарийсини ишлаб чиқинг. Сценарийни экранда режалаштиринг ва дастур интерфейсини ишлаб чиқинг. Дастурда қўлланиладиган навигация ва манипуляция амалларини режалаштиринг.
2. Ўқиётган махсус фанингиз бўйича амалий машғулот учун виртуал

стенд режасини ишлаб чиқинг. Бунинг учун берилган техник матн асосида мультимедиа сценарийсини ишлаб чиқинг. Медиа матнни экранда режалаштиринг ва дастур интерфейсини ишлаб чиқинг. Дастурда қўлланиладиган навигация ва манипуляция амалларини режалаштиринг.

3. Ўқиётган маҳсус фанингиз бўйича лаборатория машғулоти учун виртуал стенд режасини ишлаб чиқинг. Бунинг учун берилган техник матн асосида мультимедиа сценарийсини ишлаб чиқинг. Сценарийни экранда режалаштиринг ва дастур интерфейсини ишлаб чиқинг. Дастурда қўлланиладиган навигация ва манипуляция амалларини режалаштиринг.
4. Берилган матн асосида анимация яратиш учун мультимедиа дастурини танланг ва уни визуаллаштириш имкониятларини баён қилинг.
5. Берилган матн асосида виртуал стенд яратиш учун мультимедиа дастурини танланг ва уни визуаллаштириш имкониятларини баён қилинг.
6. Маҳсус фан материали бўйича 11 хилдаги интерфаол тестларни режалаштиринг ва iSpring QuizMaker дастуридан фойдаланган ҳолда онлайн тизими учун интерфаол тестларни ишлаб чиқинг.

Ишни бажариш учун намуна:

Топшириқ: Кулинария маҳсулоти учун ингредиентлар таркибини ва уларнинг нархини ҳисоблаш дастурини тузинг.

1. Дастурнинг тавсифи

Мазкурдастур кулинария маҳсулотлари (торт, пишириклар ва х.к.) учун маҳсулот танлаш, уларнинг сарфини ва қийматини ҳисоблаш учун мўлжалланган.

Дастур 6 та устундан иборат жадвал шаклида расмийлаштирилади.

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Нархи, сўм	Миқдори	Жами, сўм
1	2	3	4	5	6

1-2 устунларга, кулинария маҳсулоти учун зарур ингредиентлар рўйхати тартиб билан ёзилади.

3-устунда ингредиентнинг ўлчов бирлиги киритилади, масалан ёғ литрда, тухум доналаб ўлчанади.

4-устунга ингредиентнинг бир ўлчов бирлигининг нархи (сўмда) киритилади.

5-устунда кулинария маҳсулоти учун кўрсатилган ўлчов бирлигига қанча ингредиент сарф бўлиши белгилаб қўйилади.

6-устунда маҳсулот учун ингредиентлар сарфи ва кулинария маҳсулотининг умумий қиймати дастур томонидан ҳисоблаб берилади.

2. Жараённинг эмпирик модели


Дастурда факат б-устунда ҳисоблаш ишлари амалга оширилади.

Бунинг учун 4- ва 5-устунлардаги қийматларни ўзаро кўпайтириш кифоя.

Excel-жадвалида ушбу ҳолат қуидаги формула билан ифодаланади: $F6 = E6 * D6$

3. Дастур интерфейси.

Дастурнинг интерфейси жуда оддий бўлиб Excel-жалвалнинг A,B,C,D, E, F устунларида ва 11 тақаторидаакс эттирилган.



The screenshot shows a Microsoft Excel spreadsheet titled "Книга1 - Excel". The table has columns labeled №, №, Махсулот номи, Ўлчов бирлиги, Нархи, сўм, Миқдори, and Жами, сўм. Row 6 contains the formula =E6*D6 in cell F6. The formula bar at the top also displays =E6*D6. The status bar at the bottom right shows "190%".

	A	B	C	D	E	F	G	H	I
2									
3	№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Нархи, сўм	Миқдори	Жами, сўм			
4	1	2	3	4	5	6			
5	1	Ун	кг	2500	1	2500			
6	2	Шакар	кг	3200	0,4	=E6*D6			
7	3	Тухум	дона	400	10	4000			
8	4	Ванилин	кг	20000	0,001	20			
9	5	Сарёғ	кг	27000	0,2	5400			
10	6	Қуютирилган сут	банка (400 гр)	4000	1	4000			
11		Жами:				17200			
12									
13									
14									

Ушбу дастурда ишлаш учун 1-5 устунлар фойдаланувчи томонидан тўлдирилади. 6-устун дастур томонидан ҳисоблаб берилади.

Экрандакўрсатилган дастурнинг баъзи функцияларидан фойдаланишумкин:

- масштаб;
- обычный, страничный, разметка страницы;
- пульзунок.

Дастурда F-устунни ҳимоялаш мумкин. Дастурнинг ҳимоясини чишуун гапарол киритишталаб этилади. Шундан кейин дастурнинг гички структураси, ва рақлари очилади.

Назорат саволлари:

1. Ўқиётган махсус фанингиз бўйича маъруза матни учун анимация қандай компонентларни ўз ичига олади? Мисол келтиринг.
2. Ўқиётган махсус фанингиз бўйича амалий машғулот учун виртуал стенд қандай компонентларни ўз ичига олади? Мисол келтиринг.
3. Ўқиётган махсус фанингиз бўйича лаборатория машғулоти учун виртуал стенд қандай компонентларни ўз ичига олади? Мисол келтиринг.
4. Фанни мустақил ўрганиш учун мўлжалланган виртуал стенд қандай компонентларни ўз ичига олади?
5. Мультимедиа дастури қандай танланади?
6. PowerPoint дастурининг визуаллаштириш имкониятларини айтиб беринг.
7. Macromedia Flash MX дастурининг визуаллаштириш имкониятларини айтиб беринг.
8. PowerPoint дастурининг Spring QuizMaker иловаси ёрдамида қандай тестлар яратиш мумкин?
9. PowerPoint дастурининг Spring QuizMaker иловаси ёрдамида яратиш мумкин бўлган тестларни мураккаблик даражаси бўйича гурухланг.
10. PowerPoint дастурининг Spring QuizMaker иловаси ёрдамида яратиш мумкин бўлган тест шаклларини уларни 4-жавоблик анъанавий ёпиқ тестлардан шакллантириш имкониятлари бўйича гурухланг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. E. Vera. Using Flash. San Francisco:- Macromedia, Inc. pp. 17-22, 48-58, 169-187.
2. <http://programmersclub.ru/alar-flash-lesson1/>

З-амалий машғулот: Масофавий таълим ва уни ташқил этиш асослари.

Ишдан мақсад: Maxsus фан ўқитувчиларини оммавий онлайн очиқ курслар билан таништириш, уларда Moodle тизими учун ўқув контентларини ишлаб чиқиш кўникмаларини шакллантириш.

Масаланинг қўйилиши: Maxsus фан ўқитувчиси оммавий онлайн очиқ курслар билан танишиши, ўқув контентларини ишлаб чиқиш кўникмаларини эгаллаши лозим.

Топшириқлар:

1. Масофавий ўқитишиш моделларини ўрганиб чиқинг ва ўзаро таққосланг.
2. Moodle тизими учун маъруза материаллари асосида ўқув контентларини ишлаб чиқинг.
3. Moodle тизими учун амалий машғулот материаллари асосида ўқув контентларини ишлаб чиқинг.
4. Moodle тизими учун лаборатория машғулоти материаллари асосида ўқув контентларини ишлаб чиқинг.
5. <http://atutor.ca/atutor/>сайтидаги ўқиш шартларини ўрганинг.
6. <http://www.claroline.net>сайтидаги ўқиш шартларини ўрганинг.
7. <http://www.dokeos.com>сайтидаги ўқиш шартларини ўрганинг.
8. <http://lamsfoundation.org/>сайтидаги ўқиш шартларини ўрганинг.
9. <http://moodle.uzedu.uz>сайтидаги ўқиш шартларини ўрганинг.
10. <http://moodle.polito.uz>сайтидаги ўқиш шартларини ўрганинг.
11. <http://www.moodle.org>сайтидаги ўқиш шартларини ўрганинг.
12. <http://www.olat.org>сайтидаги ўқиш шартларини ўрганинг.
13. <http://www.efrontlearning.net>сайтидаги ўқиш шартларини ўрганинг.
14. <https://chamilo.org>сайтидаги ўқиш шартларини ўрганинг.
15. <http://www.ilias.de>сайтидаги ўқиш шартларини ўрганинг.
16. <http://www.openelms.org/>сайтидаги ўқиш шартларини ўрганинг.
17. <http://www.sakaiproject.org>сайтидаги ўқиш шартларини ўрганинг.
18. <http://www.estudy.uz> сайтидаги ўқиш шартларини ўрганинг.

Ишни бажариш учун намуна:

Топшириқ: uMail.uz миллий почта хизматида почта очинг ва UZ доменида сайт яратишва унда ишлаш қоидаларини баён қилинг.

1. uMail.uz сайтининг бош саҳифасига ўтиш

uMail.uz почта хизматида З тагача бепул e-mail қутиси очиш мумкин. Веб-интерфейс ва почта дастурлар орқали фойдаланиш учун ID.UZ ягона идентификация тизимида авторизациядан ўтиш лозим.

Веб-буйруқлар сатрига umail.uz буйруги терилади. Бунда экранда uMail.uz сайтининг бош саҳифаси намоён бўлади.

The screenshot shows the uMail.uz login interface. At the top right, there's a banner for 'ID.UZ Система идентификации' (ID.UZ Identification System) with links to various services like ZyoNET, uTube, uRadio, Meros, and Chak-chak. Below the banner, a message in Russian says: 'Biz bilan allaqachon 335 295 foydalanuvchilar!' (More than 335,295 users have used us). A note below states: 'uMail.uz pochta xizmati uch bepul e-mail qutisiga qadar yaratish imkoniyatini beradi. Veb-interfeysi va pochta dasturlar orqali foydalinish uchun ID.UZ Yagona identifikatsiya tizimida avtorizatsiyadan o'tishingiz mumkin.' (uMail.uz email service allows you to create an email account for free up to a certain number of users. You can use the web interface or email clients like uMail.uz, ID.UZ, etc.). It also mentions: 'uMail.uz pochtaning xususiyatlari: - barcha qurilmalar uchun adaptiv veb-interfeysi - bir pochta qutisi hajmi — 10 gigabayt - bir xat eng katta mifordori — 100 megabayt - foydalanuvchining barcha pochta qutilar uchun bir ID.UZ qayd yozvni va parol'. A note at the bottom says: 'uMail.uz pochta xizmati IMAP protokoldan mobil va desktop dasturlar orqali foydalananadi, hamda qulay veb-interfeysga egadir. Veb-interfeysda to'g'ri ishlash uchun ommabop brauzerlardan foydalanishni tavsiya etamiz:' followed by icons for Google Chrome, Mozilla Firefox, and Internet Explorer. At the bottom left is a copyright notice: '© 2013—2016 UZINFOCOM'.


2. ID.UZ ягона идентификация тизимининг бош саҳифасига ўтиш
ID.UZ Ягона идентификациялаш маркази вазифасини бажаради ва UZINFOCOM марказининг барча лойиҳаларига ва бошқа ташқи сайтларга киришга рухсат беради.

ID.UZ Ягона идентификациялаш тизимида рўйхатдан ўтгандан сўнг OpenID технологиясини қўлловчи бошқа сайтлардан рўйхатдан ўтиш шарт эмас, ID.UZ тизимидағи ўзингизнинг логинингизни кўрсатишингиз кифоя. Сайтларга киришда жуда кўп паролларни эсда сақлаб юриш ва ҳар сафар уларни киритиш шарт эмас.

"Kirish" тутмачаси босилгач, экранда ID.UZ Ягона идентификациялаш тизимининг бош саҳифаси намоён бўлади.


The screenshot shows the ID.UZ login page. At the top right, there are language links: 'UZ | RU'. Below them are links to 'ГЛАВНАЯ', 'СПРАВОЧНЫЙ РАЗДЕЛ', 'НОВОСТИ', 'ОБРАТНАЯ СВЯЗЬ', and 'О ПРОЕКТЕ'. The main header reads 'ID.UZ СИСТЕМА ИДЕНТИФИКАЦИИ'. There are two large buttons: 'Войти' (Log In) on the left and 'Зарегистрироваться' (Register) on the right. Below these buttons, a section titled 'Единая система идентификации' (Unified Identification System) is shown. It says: 'ID.UZ выполняют функцию единого центра идентификации, открывающего доступ ко всем проектам Центра UZINFOCOM, а также ряда сторонних сайтов.' (ID.UZ performs the function of a unified central identification system, providing access to all projects of the UZINFOCOM Center, as well as a number of third-party sites). It also mentions: 'Зарегистрировавшись однажды на ID.UZ вам больше не надо регистрироваться на других сайтах, поддерживающих технологию OpenID, достаточно указать свой логин на ID.UZ. Такая возможность имеет много преимуществ: не нужно больше запоминать много паролей и каждый раз заново вводить данные о себе на многих сайтах.' (After registering once on ID.UZ, you no longer need to register on other sites that support the OpenID technology. Simply enter your ID.UZ login. This feature has many advantages: you no longer need to remember many passwords and enter your information again on many sites). On the left, there are input fields for 'Логин:' and 'Пароль:', a 'Запомнить меня' (Remember me) checkbox, and a 'Войти' (Log In) button. On the right, there is a sidebar with links: 'Вопросы и ответы', 'Соглашение об использовании системы «ID.UZ»', and 'Порядок получения статуса PassportID'. Below the sidebar, there is a 'НОВОСТИ' (News) section with a link to 'Все новости' (All news) and a date '19.02.2014'.

3. uMail.uz почта хизматидан рўйхатдан ўтиш
uMail почта хизматидан рўйхатдан ўтиш учун «Ro'yxatdan o'tish» тутмачаси босилади (қизил стрелка билан кўрсатилган).



uMail почта хизматида авторизация ID.UZ Ягона идентификация тизими орқали амалга оширилади. Агар Сиз аввал ID.UZ тизимида рўйхатдан ўтган бўлсангиз, uMail почта хизматидан авторизациядан ўтишингиз лозим. Рўйхатдан ўтиш вақтида ID.UZ тизимида аккаунт яратилади.

«Ro'uxatdan o'tish» тугмачаси босилгач экранда uMail почта қутисига ўтиш учун таклиф пайдо бўлади.



Бунда uMail почта қутисига ўтиш учун «Pochtaga o'tish» тугмачаси босилади (қизил стрелка билан кўрсатилган).

4. UZ доменида сайт яратиш ва унда ишлаш тартиби

ZiyoNET сайт-сателлитининг эгасига айланган фойдаланувчи қуидаги Қоидаларга риоя қилиши шарт:

1. ZiyoNET порталида сайт олиш учун ID.UZ авторизация тизимида рўйхатдан ўтилади.

2. Сайт-сателлит очишга талабнома берилгандан сўнг, 3 кун ичida фойдаланувчининг электрон почта манзилига тасдиқ ёки рад жавоби ҳақидаги билдиришнома келади.

3. Барча сайт-сателлитларнинг янгиликлар киритилиши ҳолати текшириб турилади. Сайт мазмуни – контенти (мақола матнлари, расмлар, видео ва сайт-сателлитда чиқарилган бошқа ресурслар) – учун сайт эгаси жавобгар ҳисобланади.

4. Ҳар бир сайт-сателлитга охирги Зой мобайнида камида 5 та мақола жойлаштирилган бўлиши шарт. Акс ҳолда фойдаланувчининг почта манзилига келгуси икки ҳафта мобайнида янгилик киритиш кераклиги кўрсатилган огоҳлантириш хати юборилади ва яна икки ҳафта ўтгач фойдаланувчи сайтига янги маълумот киритмаса, сайт маъмурияти сайтни ёпиб қўяди.

Назорат саволлари:

1. Moodle тизими учун қандай ўкув контентларини ишлаб чиқилади?
2. <http://atutor.ca/atutor/> сайтидаги ўқиши шартларини айтиб беринг.
3. <http://www.claroline.net> сайтидаги ўқиши шартларини айтиб беринг.
4. <http://www.dokeos.com> сайтидаги ўқиши шартларини айтиб беринг.
5. <http://lamsfoundation.org> сайтидаги ўқиши шартларини айтиб беринг.
6. <http://moodle.uzedu.uz/> сайтидаги ўқиши шартларини айтиб беринг.
7. <http://moodle.polito.uz> сайтидаги ўқиши шартларини айтиб беринг.
8. <http://www.moodle.org> сайтидаги ўқиши шартларини айтиб беринг.
9. <http://www.olat.org> сайтидаги ўқиши шартларини айтиб беринг.
10. <http://www.efrontlearning.net/> сайтидаги ўқиши шартларини айтиб беринг.
11. <https://chamilo.org> сайтидаги ўқиши шартларини айтиб беринг.
12. <http://www.ilias.de> сайтидаги ўқиши шартларини айтиб беринг.
13. <http://www.openelms.org> сайтидаги ўқиши шартларини айтиб беринг.
14. <http://www.sakaiproject.org> сайтидаги ўқиши шартларини айтиб беринг.
15. <http://www.estudy.uz> сайтидаги ўқиши шартларини айтиб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. R.McGreal, W.Kinuthia, S.Marshall. Open Educational Resources: Innovation, Research and Practice. Commonwealth of Learning and Athabasca University, Vancouver, 2013. pp. 6-49.
2. В.С.Хамидов, Д.А.Собирова. «Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиши методлари» модули бўйича ўқув–услубий мажмуа. Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази. Тошкент-2015 й. 64 б.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс

MS Excel дастурида виртуал стенд ишлаб чиқиш жараёнида ячейкадаги формулада хатолик рўй берди. Яъни дастур тўлиқ ишламади. Муаммони ҳал қилинг.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг, зарур билимлар рўйхатини тузинг (индивидуал ва кичик групуда).
- Дастурдаги хатоликни йўқотиш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликда ишлаш).
- Хатоликни тузатинг ва дастурни ишга туширинг.
- Бажарилган ишларни тақдимот қилинг.

2-кейс

Macromedia Flash dasturida анимацион ролик ишга тушганда экран тўлиқ режимда очилиши зарур. Бунга эришиш учун Properties/Action-Frame бандидаги "+/Actions/Browser-Network/fscommand(...)" командаси қўйилганидан кейин қавс ичига нуқталар ўрнига команданинг параметрларни ёзиш керак. Бироқ, параметрлар хотирамиздан кўтарилиган ва қўлимизда ҳеч бир қоғоздаги маълумотномамавжуд эмас. Муаммони қандай ҳал қилиш мумкин.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:



Кейсдаги муаммони ечиш учун Macromedia Flash маълумотномасини кўздан кечиринг (якка тартибда).

• Macromedia Flash командалари рўйхатидан фойдаланинг (жуфтликда ишлаш).

• Олдин тузилган дастур скриптларини кўздан кечиринг ва улардан нусха олинг.

• Дастур туза оладиган танишларингииздан маслаҳат олинг.

• Кейинги сафар эсдан чиқиб қолмаслиги учун команда параметрларини ассоциация қилиб хотирага мустаҳкамланг.



• Параметрларни қўйинг ва дастурни ишга туширинг. Бажарилган ишларни тақдимот қилинг.

3-кейс

Махсус фан бўйича виртуал лаборатория мультимедиа ишланмасини ишлаб чиқиш керак. Бироқ дастурчи аввал нимани, қандай қилиб ясаш кераклигини, мультимедианинг сценарийсини тузиб беришни илтимос қилди. Муаммони ҳал қилинг.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Мультимедиа материалыни чуқур ўрганиб чиқинг. (якка тартибда).

- Таълим натижаларини белгилаб олинг (гурухда).

- Зарур график материалларни тўпланг

- Анимация ва навигация турларини белгиланг.

- Мос мультимедиа дастурини танланг.

- Виртуал стенд сценарийсини тузинг (якка тартибда).

- Амалга оширилган ишларни тақдимот қилинг.

4-кейс

Махсус фан ўқитувчиси анимацион ролик ишлаш учун Macromedia Flash MX дастурини танламоқчи. Унга PowerPoint имкониятларини кўрсатиб, ўқитувчини ишни тез ва осон бажаришга кўндиринг.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:



Ассесмент топшириқлари

Ассесмент топшириқлари 4 қисмдан иборат бўлади: кейс-стади, тушунча таҳлили, қиёсий таҳлил, амалий топшириқ. Тестлар алоҳида электрон шаклда алоҳида файлда тақдим этилади. Қуидаги ассесмент топшириқларининг тушунча таҳлили, қиёсий таҳлил ва амалий кўнималар қисмлари келтирилган.

Тушунча таҳлили бўйича саволлар:

- Мультимедиа бу -
- Мультимедианинг аппарат таъминоти бу -
- Мультимедианинг дастурий таъминоти бу -
- e-learning бу -
- Moodle тизими бу -
- Authoring tools бу -
- LMS тизими бу -
- CMS тизими бу -
- Yenka дастури имкониятлари -
- Виртуал борлик бу -
- Масофавий таълим бу -
- m-learning бу -
- Blu-ray бу -
- ОООК (МООК) бу -
- Электрон дарслик бу -
- Интерфейс бу -
- Видеоконференция бу -

Қиёсий таҳлил бўйича саволлар:

- CD-ROM ва Blu-ray сақловчи технологияларини таққосланг.
- Мультимедианинг аппарат таъминоти элементларини қиёсланг.
- Амалдаги рейтинг тизими ва Moodle тизимини солиштиринг.
- e-learning ва m-learning тизимини солиштиринг.
- Семинар ва вебинар усулларини солиштиринг.
- ОООК (МООК) ва кундузги таълим тизимини таққосланг.
- PowerPoint ва AdobeFlash имкониятларини таққосланг.
- vAcademia ўқув тизимини кундузги таълим билан таққосланг.
- Анимация ва ўқув тренажёрини таққосланг.
- Масофавий таълимни ташкил қилиш усулларини солиштиринг.

Амалий топшириқлар бўйича саволлар:

- Масофавий ўқитиш моделларини ўрганиб чиқинг ва ўзаро таққосланг.
- Moodle тизими учун маъруза материаллари асосида ўқув контентларини ишлаб чиқинг.
- Moodle тизими учун амалий машғулот материаллари асосида ўқув контентларини ишлаб чиқинг.

- Moodle тизими учун лаборатория машғулоти материаллари асосида ўқув контентларини ишлаб чиқинг.
- <http://atutor.ca/atutor/> сайтидаги ўқиш шартларини айтиб беринг.
- <http://www.claroline.net> сайтидаги ўқиш шартларини айтиб беринг.
- <http://www.dokeos.com> сайтидаги ўқиш шартларини айтиб беринг.
- <http://lamsfoundation.org/> сайтидаги ўқиш шартларини айтиб беринг.
- <http://moodle.uzedu.uz/> сайтидаги ўқиш шартларини айтиб беринг.
- <http://moodle.polito.uz> сайтидаги ўқиш шартларини айтиб беринг.
- <http://www.moodle.org> сайтидаги ўқиш шартларини айтиб беринг.
- <http://www.olat.org> сайтидаги ўқиш шартларини айтиб беринг.
- <http://www.efrontlearning.net/> сайтидаги ўқиш шартларини айтиб беринг.
- <https://chamilo.org> сайтидаги ўқиш шартларини айтиб беринг.
- <http://www.ilias.de> сайтидаги ўқиш шартларини айтиб беринг.
- <http://www.openelms.org/> сайтидаги ўқиш шартларини айтиб беринг.
- <http://www.sakaiproject.org> сайтидаги ўқиш шартларини айтиб беринг.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиха иши) ни тайёрлайди.

Тингловчилар анимацияларни яратиш бўйича PowerPoint дастури iSpring иловаси ва Macromedia Flash (Adobe Flash) дастурларининг имкониятларини ўрганишади. Виртуал стендлар ва ўқув тренажёrlарини яратиш бўйича MS Excel да ҳисоблаш дастурларини тузиш, Macromedia Flash (Adobe Flash) дастурларида виртуал стендлар яратиш имкониятларини ўрганишади.

Moodle платформасида ўқув курсларини шакллантириш бўйича <https://www.udemy.com/moodlefree/learn/> (Moodle 2 для новичков) орқали мустақил таълим сифатида ўқишилари мумкин бўлади.

Битирув иши (лойиха иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берадиган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди, бунда албатта iSpring дастурида тайёрланган интерфаол тестлар, MS Excel да тайёрланган ҳисоблаш дастури, Macromedia Flash (Adobe Flash) дастурларида яратилган анимация ёки виртуал стендлар бўлиши зарур.

Ҳар бир тингловчи битирув иши (лойиха иши) доирасида ўзи дарс берадиган фани бўйича MOODLE тизими учун ишлаб чиқсан ўқув контентларини шакллантириши ва уларнинг тақдимотини қилиши керак бўлади.

Ишлаб чиқилган ўқув модулларида фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи кўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, видео ресурслар, глоссарий, тест, кроссвордлари ва бошқалар мавжуд бўлиши мумкин. Бу материалларни соҳа бўйича оммавий онлайн очиқ курсларидан олиш тавсия этилади.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Moodle платформасида ўқув курсларини шакллантириш имкониятларини <https://www.udemy.com/moodlefree/learn/> (Moodle 2 для новичков) орқали ўрганинг.
2. Maxsus фан бўйича ўқув материаллари асосида мультимедиа учун мультимедиа сценарийсини ишлаб чиқинг.
3. Maxsus фан бўйича Moodle тизими учун маъруза материаллари ва тест саволларини тайёрланг.
4. Maxsus фан бўйича Moodle тизими учун амалий машғулот материалларини ва топшириқларини тайёрланг.
5. Maxsus фан бўйича Moodle тизими учун лаборатория машғулоти материалларини тайёрланг.

6. Битирув иши (лойиха иши) талаблари доирасида ўзингиз дарс берадётган фан бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрланг.
7. iSpring дастурида интерфаол тестларни тайёрланг.
8. MS Excel да маҳсус фан бўйича ҳисоблаш дастурини ишлаб чиқинг.
9. Macromedia Flash (Adobe Flash) дастурларида маҳсус фан бўйича анимация яратинг.
10. Macromedia Flash (Adobe Flash) дастурларида маҳсус фан бўйича виртуал стендлар яратинг.

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
CMS	Ички контентни бошқарув тизимлари	Content Management Systems
LMS	Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизим	Learning Management Systems
On-line машғулот	Барча иштирокчилар интернет орқали ахборот алмашиниш йўли билан ўзаро алоқа қиласиган ўқув машғулоти кўриниши	Type of educational occupation on which all participants mutually replace information
On-line ўқиши	Интернет технологияларига асосланган таълим муҳитидан фойдаланиб ўқув материалларини ўрганиш	Studying of a training material by use of the educational environment based on Internet technologies
Администратор	Электрон ахборот-таълим ресурсларини мослаштириш ва бошқариш учун кенг хуқуқларга эга бўлган мутахассис	The expert authorized to adapt and operate educational resources
Анимация	Динамик ва овозли жараёнларни ифодалашга имкон берадиган график ахборотларни ташкил этиш усули	The way of the organization of graphic information allowing to reproduce dynamic and sound processes
Аудиоанжуман	Тармоқ технологияси тизими ва телефондан фойдаланган ҳолда турли географик нуқталарда жойлашган бир қанча шахсларнинг маълумотларни овозли – рақамли кўринишда алмашиниш жараёни	Process of mutual replacement of sound and digital information of the people located on different geographical points by use of system of network technology and telephony
Браузер	Интернет билан ишлашни таъминлайдиган дастур	The program ensuring functioning with the Internet
Видеоанжуман	Турли географик манзиллардаги одамлар орасида рақамли видеоёзув ёки оқимли видео кўринишидаги маълумотларни алмашиниш	Process of mutual exchange of information in the form of digital video or line video and carrying out group discussion between people on different geographical

	ва гурухли мунозаралар үтказиш жараёни	addresses
Виртуал лаборатория	Хақиқий объектларда бўлаётган жараёнларни компьютер имитацияси орқали тақдим этиш ва масофавий кириш имкониятига эга бўлган дастурний мажмуда	Software allowing to present processes in true objects in the way of computer imitation and a remote entrance
Гиперматн	Ассоциатив боғланган блоклар кўринишида тақдим этилган (бошқа матнли хужжатларга йўл кўрсатувчи) матн	The text presented in the form it is associative the connected blocks (showing the way on other text documents)
Гипермедиа	Мультимедиали маълумотларга йўл кўрсатувчи хужжатлар	Documents specifying reference to multimedia data
Глобал тармоқ	Турли географик нуқталарда жойлашган компьютерларни боғлаш имконига эга бўлган тармоқ	Network allowing to connect the kompyuter located on different geographical points
График мухаррир	Тасвирларни таҳрир қилишни таъминлайдиган амалий дастур	The application program providing editing graphics
Интерактив ўқув курслари	Ўзаро мулоқот асосига қурилган воситалардан фойдаланиб тузилган курслар	The courses made by use of means of mutual communication
Контент	Курснинг барча ўқув материаллари, қўлланмалари, хужжатлари, вазифалари, тестлар ва назорат метериалларини қамраб олувчи курс мазмуни	The maintenance of a course, covering all training materials, grants, documents, tasks, tests and control questions
Масофавий таълим	Таълимни масофавий ўқитиш усул ва воситалари орқали ташкил қилиш шакли	Form of the organization of education, by means of remote methods and tutorials
Мультимедиа	Ахборотни (матн, расм, анимация, аудио, видео) ифодалашнинг кўп имкониятли тақдим этилиши	Multipurpose submission of information (text, graphics, animation, video)
ОООК	Оммавий очиқ онлайн курслар	Massive open online courses

Сайт	Графика ва мултимедия элементлари жойлаштирилган гипермедиа ҳужжатлари кўринишидаги мантиқан бутун ахборот	Logically whole information in the form of hyper media documents the covering schedules and multimedia elements
Электрон дарслик	Компьютер технологияларига асосланган ўқитиш методларидан фойдаланишга мўлжалланган ўқитиш воситаси	The tutorial intended for use of methods of training based on computer technologies

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар:

1. R.McGreal, W.Kinuthia, S.Marshall. Open Educational Resources: Innovation, Research and Practice. Commonwealth of Learning and Athabasca University, Vancouver, 2013. pp. 6-49.
2. E. Vera. Using Flash. San Francisco:- Macromedia, Inc. pp. 17-22, 48-58, 169-187.
3. АбдуқодировА.А., ПардаевА.Х.Масофалиўқитишназариясиваамалиёти. – Т. Фан, 2009.
4. Агапонов С. В. и др.Средства дистанционного обучения. Методика, технология, инструментарий. / Авторы: Агапонов С. В., Джалиашвили З. О., Кречман Д. Л., Никифоров И. С, Ченосова Е. С, Юрков А. В. / Под ред. З.О. Джалиашвили. — СПб.: БХВ-Петербург, 2003. — 336 с: ил.
5. Андерсен, Бент Б. Мультимедиа в образовании / Бент Б. Андерсен, Катя ван ден Бринк – М. : Дрофа, 2007. – 224 с.
6. Бегимқұлов У.Ш. Замонавий ахборот технологиялари мұхитида педагогик таълимни ташкил этиш// “Педагогик таълим” жур, № 1, 2004.– 25-25 бетлар.
7. Бегимқұлов У.Ш. Малака ошириш тизимида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш. //”Халқ таълими” жур. № 6, 2004. - 132-137 бетлар.
8. Бегимқұлов У.Ш. Малака ошириш тизимида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш. //”Халқ таълими” жур. № 6, 2004.-132-137 бетлар.
9. Бурлаков М. В. Flash MX 2004: сборка видеоклипов. — СПб.: БХВ - Петербург, 2004. — 720 с.
10. Бурлаков М.В. Corel DRAW 12. - СПб.: БХВ – Петербург, 2006. – 688с.
11. Вовк Е. Т. Информатика: уроки по Flash.— М.: КУДИЦ-ОБРАЗ, 2005. — 176 с.
12. Ибрагимов И. М.Информационные технологии и средства дистанционного обучения : учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / И. М. Ибрагимов ; под ред. А. Н. Ковшова. — 2-е изд., стер. — М.: Издательский центр «Академия», 2007. — 336 с.
13. Краснова Г.А., Беляев М.И., Соловов А.В. Технологии создания электронных обучающих средств: 2-е издание. – М.: МГИУ, 2002. – 304 с.
14. Нишонов А.Х. ва бошқалар. Таълима эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар, Ахборот технологиялари ва телекоммуникация муаммолари, Республика илмий-техник конференцияси, Тошкент 2012.121-123 б.
15. Сабирова Да. Мультимедиа тизимлари ва технологиялари. Ўқув кулланма -Т: ТГЭУ, 2013г
16. Хамидов В.С. Талим тизимида кескин бурилишга сабаб бўлган 4 дастур ҳақида. <http://uz.infocom.uz/2009/12/21/talim-tizimida-keskin-burilishga-sabab-bolgan-4-dastur-haqida/>

17. Хамидов В.С. Эркин ва очиқ кодли LMS тизимлар таҳлили, infocom.uz журнали №7,8. 14 бет, 2013 й.
18. Электрон университет. Масофавий таълим технологиялари. Олий таълим муассасалари учун/ А.Парпиев, А.Марахимов, Р.Ҳамдамов, У.Бегимкулов, М.Бекмурадов, Н.Тайлоқов. ЎзМЭ давлат илмий нашриёти.-Т.: 2008. 196 б.
19. Яремчук С. Система управления обучением Claroline. //Системный администратор, №7 июль 2008. – С 82-85.
20. В.С.Хамидов, Д.А.Собирова. «Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари» модули бўйича ўқув–услубий мажмуа. Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази. Тошкент-2015 й. 64 б.
21. Федоров А. Медиаобразование: История, теория и методика. – Ростов-на-Дону: Изд-во ЦВВР, 2001. – 708 с.

Интернет ресурслари:

1. <http://programmersclub.ru/alar-flash-lesson1/>
2. <http://www.ispring.ru/ispring-quizmaker>
3. <https://www.udemy.com>
4. <https://www.coursera.org/>
5. <http://www.atutor.ca>
6. <http://www.olat.org/>
7. <http://www.dokeos.com>
8. <http://www.efrontlearning.net/>
9. <http://www.ilias.de/>
10. <http://www.dlearn.org/>
11. <http://lamsfoundation.org>
12. <http://www.sakaiproject.org>
13. <http://estudy.uz/>
14. <https://moodle.org>
15. <https://www.udemy.com/moodlefree/learn/>